




XASR



IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 21-IYUL, PAYSHANBA, 29 (661)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



ҚАРОР ВА ИЖРО



Салих Зоир олган суратлар

Кичик саноат зоналарининг катта афзалликлари

Президентимизнинг 2014 йил 3 июлдаги "Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-таdbirлар тўғрисида"ги қарори партиямиз асосий электорати манфаатларига тўла ҳамоҳанглиги билан алоҳида эътиборга молик.

Маълумки, O'zLiDePнинг энг муҳим вазифалардан бири – мулкдорлар қатламини ҳар томонлама ва изчил қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш борасида партия Дастури ва Сайловолди платформасида кўзда тутилган ишларни собиққадамлик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Бинобарин, O'zLiDeP мазкур муҳим қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳал қилинишига кўмаклашишни зиммасидаги устувор вазифалардан бири, деб ҳисоблайди. Бу йўналишда кўплаб партиявий чора-таdbirлар тизимли равишда амалга оширилаётгани ҳам шундан далолатдир.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси томонидан ташкил этилган "Мамлакат ялли ички маҳсулот ҳажмини ошириш ва ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришда кичик саноат зоналарининг аҳамияти" мавзусидаги давра суҳбати ҳам ушбу масала доимо сиёсий куч диққат марказида турганини кўрсатади.

Сўзга чиққан депутатлар, шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, тегишли идоралар ва ташкилотлар вакиллари ҳамда кичик саноат зоналарида иш юритаётган ишбилармонлар қайд этганидек, давлатимиз раҳбарининг тилга олинган қарорига мувофиқ ташкил этилган кичик саноат зоналари тadbirkorлик субъектларини фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш билан бир ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш имконини бер-

моқда. Бундай қулайликнинг яратилиши замонавий рақобатбардир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, мамлакат ялли ички маҳсулот ҳажмини ошириш ва ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга сезиларли туртки беради. Хусусан, ташкил этилган кичик саноат зоналарининг диққатга сазовор жиҳатларидан бири шундаки, ишлаб чиқариш майдонларига тadbirkorлик субъектларини жойлаштириш бўйича тайёрланган лойиҳаларга мувофиқ зарур муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалар қурилиши мутасадди ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда узлуксиз электр энергияси ва газ билан таъминланади.

Президентимиз қароридан Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 300 гектардан ортиқ ер майдонида 53 та кичик саноат ҳудуди ташкил этилиши белгиланган, – деди ўз сўзида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Ботир Мардаев. – Улардан 5 таси вилоят миқёсидаги кичик саноат ҳудудларидир. Мазкур зоналарнинг ишлаб чиқариш майдонлари тadbirkorлик субъектларига давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун энг кам ижара тўлови ставкаси бўйича, ижарага олинган майдонда амалга ошириладиган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда, тегишли коэффицентларни қўлламасдан узоқ муддат фойдаланишга берилди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, кичик биз-

нес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари учун ўз сармоясини бино ва иншоотлар сотиб олишга сарфлашдан кўра, эҳтиёжига яраша жойни доимий ижарага олиш, мавжуд маблағларни эса фаолиятни янада ривожлантириш учун йўналтириш ҳар жиҳатдан афзалдир.

Давра суҳбатида кичик саноат ҳудудларида танлов комиссиялари томонидан қурилиш маҳсулотлари билан бир қаторда озиқ-овқат, энгил саноат ва кенг аҳоли истеъмоли учун зарур, шунингдек, асоссиз импорт қилинаётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Мазкур саноат зоналари фаолиятини кенгайтириш ва янада ривожлантириш, бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий асослар ва молиявий манбаларни янада мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг иқтисодий-иқтисодий ҳолати, имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқиб жойларда турли йўналишларда янги саноат ҳудудларини ташкил этиш, мазкур йўналишдаги илгор тажрибаларни кенг ёйиш, соҳадаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан депутатлик, парламент назоратини янада кучайтириш бўйича бир қанча таклиф ва тавсиялар билдирилди. Улар қизгин муҳокима этилди.

Мулоқот мобайнида мутахассислар тadbirkorларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Тadbир ниятида кичик саноат зоналари фаолиятини янада мукамаллаштириш борасидаги таклифлар қабул қилинди.

Бەхзод ИСРОИЛОВ, "XXI asr" муҳбири

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Реклама бозори ва истеъмолчи манфаати

...Тарихдан яхши маълумки, қадимда сопол, ёғоч ёки тошдаги турли шакллар, кўчалардаги пешлавҳалар рекламанинг илк кўринишлари бўлган. Яъни, реклама бевосита ўша маҳсулот кўринишида амалга оширилган. Масалан, пойабзал устaxonасида бирор бир оёқ кийими осиб қўйилган.



Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бугунги даврда эса реклама маҳсулотлари нафақат товар ва хизматларни таклиф этиш, балки жамоатчилик фикрини шакллантириш воситасига, иқтисодийнинг жадал ривожланиб бораётган секторига айланди. Бугун реклама қилишининг турли усуллари мавжуд. Шу боис уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва янада кенгроқ ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳанинг ҳуқуқий асоси тобора мустаҳкамланаётгани реклама бозори

инфратузилмаси яхшиланиб боришига хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Реклама фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш" мавзусидаги давра суҳбатида масаланинг шу ва бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Давони 2-саҳифада >>

O'zLiDeP TASHABBUSI BILAN

"ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР ФОРУМИ"

юқори савияда ўтади, дейишмоқда тadbир ташкилотчилари

Аввал хабар берганимиздек, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан жорий йилнинг август ойи биринчи ўн кунлигида "Ёш тadbirkorлар ва фермерлар форуми" бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтказилиши режалаштирилган мазкур форум партиянинг эртаимиз эгалари бўлган йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган навбатдаги энг



йирик ташаббусларидан биридир. Ушбу тadbирни ўтказишдан кўзланган мақсад ва ушбу йўналиш билан боғлиқ режалар хусусида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri Сардор МАРИПОВ шундай изоҳ берди:

– Маълумки, ҳар қандай давлатнинг эртанги кунини ёшларнинг жисмонан бақувват ва маънан соғлом улғайишига боғлиқдир. Зеро, айнан ана шу қатлам вакилларигина мамлакатнинг келажақдаги ютуқларини белгилувчи, унга тиргак бўлувчи асосий кучдир.

Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида мамлакатимизда ушбу муҳим тамойилга қатъий амал қилинди. Бу каби ислоҳотлар эса бесамар кетмади. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак,

айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдирини 30 ёшга бўлган ёшлар ташкил этади. Маълумотларга қараганда, ўтган йили юртимизда ёш тadbirkorлар сони 278 452 тани ташкил этган. Эътиборга молик жиҳати, уларнинг 88061 нафари 30 ёшга тўлмаган. Бу кўрсаткич янада кўпайиб бормоқда.

Шу билан бирга, ўтган йили 482 598 нафар йигит-қиз касб-ҳунар коллежларини тамомлаган. Уларнинг 38257 нафари кредит олиш мақсадида тижорат банкларига мурожаат қилган. Молия муассасалари томонидан ўтган йили жами 20161 та битирувчига 277 млрд. 800 млн. сўм кредит ажратилганлиги тadbirkorлар сафи ой сайин, йил сайин ортиб бораётганлигини исботлайди.

Давони 3-саҳифада >>

СЎЗ – ИШТИРОКЧИЛАРГА



Шохруҳ ИБОДОВ, Самарқанд вилояти:

– Болалигимдан тadbirkorликка қизиққан. Энда обрў топаган ишбилармонларни кўрсам, уларава ҳавасим келарди. Илгарики имкон кенга экан. Соҳага бўлган кучли иштиёқ туфайли ўтган йили ўз бизнесини ташкил этдим. Бугунги кунда "MADAD IQBOL SERVIS" М-ҲК раҳбари сифатида фаолият юритапман. Кичик корхонамиз полистилен ва труба маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 11 нафар ишчи-ходимимиз аксарияти коллеж битирувчиларидан иборат. Ҳозирда маҳсулотимизга чет элда қизиқиб катта. Экспортни йўлга қўйиш мақсадида ҳамкорлар билан иш олиб борапмиз.

Ёшида олинган билим ёки хунарни тошга ўйилган нақша қиёвсанади. Ҳали тadbirkorлик сир-асрорларини тухта ўраганим, билим ва тажрибамни оширишим керак. Бу борада менга O'zLiDeP томонидан ўтказиб келинаётган турли пойхалар ҳам қўл келмоқда. Ишончим комилки, партия ташаббуси билан ташкил этилаётган форум кейинги фаолиятимда муҳим аҳамият касб этади.



Дильназ АДИЛЬЧЕВА, Нукус шаҳри:

– Айни пайтда миллий хунарамдчиликнинг каштачилик ва миллий либослар йўналиши бўйича яқка тартибдаги тadbirkor сифатида иш юритапман. Асосан қўл мөҳнати орқали тикилётган миллий услуддаги аёллар ҳамони, кашта ва либослар нафақат ички бозоримизда, балки хорижда ҳам анча харидордир. Оилада кенжа фарзандман. Дадам, ойим ва ака-опларим доимо мени қўллаб-қувватлашади.

Эндики мақсадим, партия ташаббуси билан ташкил этилаётган форумда ўз иқтисодимни намойиш этиш ва фаолиятимни янада кенгайтиришдир. Бу йўлда менга Президентимизнинг "Эртанги кунимизнинг энг катта кучи, керак бўлса, замини нимага асосланамди, деган савола мен ёшларимиз, ёшларимиз ва яна бир бор ёшларимизга, деб жавоб бераман" деган сўзлари куч, ўзгача илҳом бағишлади.

1 Австралия доллари	2245,49	1 АКШ доллари	2958,87	1 Хитой юани	441,74	1 Польша злотийси	740,53	1 ЕВРО	3280,62
1 Англия фунт стерлинги	3911,92	1 Миср фунти	337,39	1 Россия рубли	46,84	1 СДР	4124,43	10 Жанубий Корея вони	26,05
1 Дания кронаси	440,06	1 Исландия кронаси	24,27	1 Украина гривнаси	119,27	1 Туркия лираси	1000,40	10 Япония иенаси	280,33
1 БАА дирҳами	805,62	1 Канада доллари	2285,72	1 Малайзия ринггити	744,18	1 Швейцария франки	3010,04		

МУНОСАБАТ

Реклама бозори ва истеъмолчи манфаати

« Давом. Бошланчи 1-саҳифада

Давра суҳбати иштирокчилари реклама соҳасининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, реклама бозорини янада ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил ахборот берилди. Хусусан, реклама бозорининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида интернет тармоғидаги ҳукумат порталига жойлаштирилган "Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси атрафлича муҳокама қилинди.

– Ушбу долзарб масалага партиявий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлса, унинг аҳамияти биз учун қанчалик муҳим эканлиги ойдинлашади, – дейди Олий Маж-

лис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Эркин Холбўтаев. – Демокриманки, реклама берувчиларнинг аксарият қисмини электротартиб ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ташкил этади. Чунки улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг харидориги бўлишида рекламанинг ўрни бениҳоя муҳимдир. Очиқ айтишим керак, қўллаб тақлиф ва тавсиялар билдириладиган электротартиб манфаатларини янада тўлароқ акс эттириш имконини беради.

Норматив ҳужжатнинг такомиллаштирилиши реклама бозори ривожланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, соҳадаги технологик жараёнлар ривожининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда айнан бир хилда акс эттирилиши, истеъмолчиларни ишонсиз рекла-

ма тарқатиш ҳолатларидан ҳимоя қилиш принципларини таъминлаш имконини беради.

Тадбирда, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация ва медиа технологиялар ривожланиши, янги товарлар ва маҳсулотлар пайдо бўлиши билан реклама тушунчаси ва янги маркетинг коммуникацияси тушунчаларини бир хил талқин қилиш муаммоси юзга келадигани қайд этилди. Реклама фаолиятига оид қонунчилик механизмларини такомиллаштириб бориш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини замонавий талабларга мувофиқлаштириш, амалдаги қонунчилик талаблари ижросини таъминлаш, соҳада парламент назорати самарадорлигини ошириш долзарб вазифа ҳисоблангани таъкидланди.

Хусусийлаштириш, монопо-

лиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Дилшод Азимовнинг айтишича, реклама фаолиятини амалга оширишда ҳужжалик субъектларининг ижтимоий масъулиятни чуқур англашлари муҳим аҳамиятга эга. Қонун лойиҳасида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, рекламанинг одоб-ахлоқ меъёрлари ҳамда миллий менталитетга мувофиқлиги, истеъмолчилар, айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш механизмларини янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Шу билан бирга вояга етмаганларни ҳавфли жойларда ва вазиятларда

кўрсатувчи, вояга етмаганларда товарнинг қиймати (нархи) тўғрисида нореал (нотўғри) тасаввур туғдирувчи, жумладан, "атиғи", "бор-йўғи" сўзларидан фойдаланиш орқали ҳамда реклама қилинадиган товар ҳар қандай оилавий бюджет учун мақбулликни бевосита ёки бевосита намоийиш қилаётган рекламаларга чеклов ўрнатиш тақлиф қилинаётган. Шунингдек, реклама болаларни кунлик овқат истеъмоли миқдорини кўпайтиришга ёки асосий таомни енгил таомлар, қандолатчилик маҳсулотлари ва ҳоказо билан алмаштиришга даъват қилмаслиги лозим.

Йиғилишда, шунингдек, фуқаролар томонидан телекоммуникация тармоқларидан фойдаланишда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жумладан, телефон орқали маълумотлар бериш хизматини кўрсатишда улар томонидан сўралаётган ахборотни бергандан сўнггина тақдим этилишига рухсат этиш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбати якунида реклама қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Президентимизнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятига ташрифи тобора обод ва муаззам қиёфа касб этаётган воҳа аҳли қалбида унутилмас таассуротлар уйғотди.

Тинчлик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик

барқарор бўлган заминда юксалиш, тараққиёт давом этаверади



Гулшана ХУДАЙРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Барчамизга яхши маълумки, бундан роппа-роса бир йил аввал Юртбошимиз вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид энг муҳим вазифаларни белгилаб берган эдилар. Ўтган қисқа фурсат ичида вилоятнинг шаҳар ва туманлари, айниқса, Қарши шаҳри ва кўҳна Шаҳрисабз ўзгача қиёфага кирди. Қувонарлиси, амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари қашқадарёликлар кайфиятини кўтарибгина қолмай, уларнинг дунёқарашини ҳам юксалтирмоқда. Бу эса уларнинг юрт тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ошириб, янги-янги марраларга ундаётган.

Бунёдкорликнинг рақамлардаги акси ҳам фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, вилоятда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мингдан ортиқ замонавий намунали уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунга қадар бундай уйлар сони олти мингдан ошди. Шу ўринда ҳақиқат бир савол туғилади: бундан йигирма беш йил олдин қандай аҳволда яшардик, бугун қандай шароитларда ҳаёт кечираялми? Бу саволга юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаёти мисолида жавоб бериши табиий. Шунинг учун, уйлайманки, Президентимизнинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш ташаббуси халқимиз ҳаётини бутунлай янги босқичга олиб чиқди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг барча соҳалар қатори замонавий йўллар қурилишига ҳам катта эътибор берилди бошланди. Зеро, иқтисодийимизнинг "қон томири" ҳисобланган йўлларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш, замонавий кўприклар барпо этиш масаласи бугунги кунда ҳам муҳим саналади. Шу маънода бугун нафақат қашқадарёликлар, балки барчамиз учун катта тарихий воқеа – улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темури номи билан боғлиқ Қарши шаҳридаги тарихий кўприкнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида қайтадан реконструкция қилингани ушбу хайрли ишларнинг узвий давоми десак асло муболага бўлмайд.

Маълумки, бу кўприк қадимда Қашқадарёнинг икки қирғоғини бирлаштириб, халқаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин тутган. Асрларга гувоҳ бўлган ушбу иншоот ҳар биримизда юксак ифтихор ва ғурур туйғусини уйғотади.

Президентимиз ташриф чоғида ушбу муҳим масалага ҳам алоҳида ургу бериб, Қарши туманидаги "Шукрона" фермер ҳўжалигида бўлиб ўтган учрашувда "Биз ёшларни шундай тарбиялашимиз керакки, улар оқ ва қорани ажратадиган, яхши ва ёмонни фарқлайдиган жонқуяр, фидойий, ўз онги ва билимига эга бўлган ёшлар бўлиб шаклланишлари керак" дея алоҳида таъкидладилар. Албатта, коммунал, барқарор, мустақилликни асраб-авайлайдиган, фаровон турмушимизни қадрлайдиган ёшларни тарбиялаш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир.

Мухтасар айтганда, бугунги ёруғ кунлар, ютуқ ва марралар замирида мамлакатимизда ҳужм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик мужассамдир. Бундай юртда тараққиёт, юксалиш ва фаровонлик бардавом бўлади, фарзандлари чинакам бахт-саодатга эришади.

ИФТИХОР

Бетакрор фасл

Бу дунёда ёшлик деган гўзал фасл ҳам борлигини биз ёшимиз бир жойга борган маҳалда теранроқ тушуниб етамиз. Юрак жўшқин, билаклар куч-қувватга, шижоатга тўла бу даврни ҳар биримиз энтиқиб, ҳаяжон ила эслаймиз. Бу бетакрор фаслни умр баҳорига бежиз қиёслаганман. Эсланг, ёшликни ижод аҳли қандай берилиб таърифлашида ҳам ўзгача сир-синоат яширин.

Лекин... Ана шу бетимсол давр қандай замонда кечиши ҳам эътиборга молик экан. Шу маънода, мен, бир нуруний отахон – машаққатли, долғали кунларни бошидан кечирган инсон сифатида айтишим керакки, истиқлол фарзандларига чин юракдан ҳавасим келади. Мустақиллик берган имконият боис улар чин маънода барқарор бўлиб ўсаётган. Фан олимпиадаларида, спорт ва санъат соҳасида дунёдаги ҳеч бир мамлакат ёшларидан кам эмасликларини, ҳеч қачон кам бўлмаликларини исботлашяпти.

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда яратилган имконият ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланаётган йигит-қизларни кўриб, кузатиб бошим осмонга етади.

Яқинда қадрдонларим билан диёрдорлашмоқ учун бир замонлар чўлзор, бугунги кунда гулзорга айланган Сирдарё вилоятида бўлдим. Мени қувонтирган нарса, дўстларим Даврон Мажидов деган йигитча қилаётган ишларини мақтаб гапириб қолди.

Давронбек билан яқиндан танишдик. У коллежни битиргач, ўзи яшаётган ҳудудда автомобиллар ва қишлоқ ҳўжалиги техникаларига сервис хизмати кўрсатиш устандасини очибди. Ушбу кунлари эшитдим, у "Ёш тадбиркор – юртга маддадор" кўрик-танловни республика босқичининг соҳибдорини бўлган экан. Давронбек билан чин дилдан суҳбатлашдим. Кўзларидан ҳаётга бўлган ишонч, бир дунё ёруғ орузлар билан яшаётган бу навқирон йигитнинг хайрли ишларини кўриб, тўғриси, ҳавасим келди. Ёшлиқданок катта режалар, қанотли оруз-умидлар билан яшаш одамнинг ҳаётига мазмун бағишлайди. Муттасил равишда ўсишига, камолотига асос бўлади. Бу ҳол мустақиллик даври ёшларининг бош фазилатига айланаётгани эса, бизнинг бахтимиздир.

Буюк аждодларимиз умрнинг ҳар лаҳзасини ганимат билишга чорлаганлар. Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб мана бундай ёзган эди: "Мен ёшлигимни қўмсайман, ўқиниб афсусланман, лекин энди ўқинишларимдан заррача фойда йўқ". Буюк адиб бу ҳикмати келажак авлодларга сабоқ ўлароқ битган бўлса, ажаб эмас.

Дарҳақиқат, ёшлик – умрнинг энг масъулиятли даври. Бу ганиматли фурсат эртанги кун учун захира тўплаш имкони борлиги билан ҳам алоҳида қимматга эга. Болаликда илм ҳазинасини йиққан одам кейсанда чоғида ҳикмат дурларини йиғди. Навқирон чоғида маърифат зиёсидан баҳра олган киши авлодлар қалбида нур улашади, улар маънавиятининг юксалишига ҳисса қўшади. Болаликдан гўзал ахлоқ билан зийнатланган одам кейсанда қанчалик коммунал тарбияланган орқали жамият раҳнамолиги хизмат қилади. Бунинг учун эса, ёшликнинг ҳар даминини қадрлаш зарур.

Абдугани СУЛАЙМОН

Маълумки, ҳар қандай жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг устуворлиги унинг ҳуқуқий ҳимояси билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ишончли ҳимояси таъминланган. Айниқса, прокуратура органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан мамлакатимизда қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларнинг ижроси мутасадди идоралар томонидан қатъий назорат қилиб бориладигани эътиборга молик.

Бош прокуратура ташаббуси билан манфаатдор вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлик субъектлари ва ОАВ вакиллари иштирокида ташкил этилган видеоконференцияда масаланинг ана шу жиҳатлари хусусида атрафлича сўз юритилди.

Таъкидланганидек, 2015 йил ва 2016 йилнинг 6 ойи давомида ўтказилган назорат тадбирлари давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат ва бошқа давлат органлари ходимлари томонидан содир этилган 12 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 1200 дан ортиқ мансабдор шахс маъмурий ёки интизоомий жавобгарликка тортилди, 250 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилди. Натияжада 9350 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, тадбир давомида тўпланганларга кейинги йилларда қабул қилинган ишбилармонлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи қонун ҳужжатлари, жум-

Прокуратура ҳимоясида



ладан, Президентимизнинг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар хусусида ҳам атрафлича маълумот берилди. Яъни юқоридаги қарорга асосан 194 та "ягона дарча" марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда уларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш учун барча зарур шароитлар яратилган. "Ягона дарча" марказлари орқали 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган бўлиб, фуқаролар уларда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишлари ва фаолиятини амалга оширишлари учун зарур рухсатномаларни олишлари мумкин. Айни кунда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, инженерлик-коммуникация тармоқларига улашиш, бино ва иншоотларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ давлат хизматлари ҳам "ягона дарча" марказлари орқали амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳам видеоконференция иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Хусусан, Бош прокуратурада мурожаатларни телефон орқали туну кун қабул қилиш маркази

ташкил этилган бўлиб, 34 та вазирлик ва идора билан тўғридан тўғри алоқа ўрнатилган. Эътиборлиси, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан электрон назорат тизими ҳам жорий қилинган.

Ўтган давр мобайнида марказ томонидан қабул қилинган мурожаатларнинг 64 мингдан ортиғи ҳал этилиб, натижаси бўйича 330 та ноқонуний қарорга нисбатан протестлар келтирилди, қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш бўйича 364 та тақдимнома, шунингдек, судларга 23,4 млрд. сўм маблағни ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди. Қонунбузарликка йўл қўйган 886 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 402 та жиноят иши қўзғатилди.

Тадбир давомида айрим давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, шунингдек, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш, уларга тўсқинлик қилиш, ҳуқуқларини чеклаш ва давлат хизматларини кўрсатишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиладигани танқид қилинди.

Видеоконференция давомида тадбиркорларни қизиқтирадиган масалалар юзасидан тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Мусурмон РЎЗИЕВ, "XXI ast" мухбири

Фидойи эл фарзандларимиз

Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида фаҳрга тўлиб сўзлар эканмиш, воҳада иқтисодийимиз таянчига айланган тадбиркорлик ва фермерлик, мулкдорлар қатламини босқичма-босқич ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириладиганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, sanoatни эса хомашё билан таъминлаш аграр соҳа вакиллари зиммасига улкан масъулият юклатганини ҳар лаҳза эътироф этиш жоиз.

Бугунги кунга келиб, вилоятда фаолият юритаётган фермер ҳўжаликлари сони 12 мингдан ортиб кетди. Улар эндиликда нафақат галлачилик ва пахтачиликда, ўз навбатида хизмат кўрсатиш ва sanoat ишлаб чиқариш йўналишларида ҳам юксак натижаларга эришмоқдалар.

Президентимизнинг жойларда ижти-

моий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида яқинда Сурхондарёга қилган ташрифи воҳа ахлини янада руҳлантириб юборди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида

бўлган сингари Сурхон воҳасида ҳам улкан янгилаш ва ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси чирой очиб, одамларнинг турмуш даражаси юксалди, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар кўпайиб, янги иш ўринлари яратилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамгача вилоятда 241 янги лойиҳани фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Термиз туманидаги "Жануб кўёши" масъулияти чекланган жамиятига 4,2 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига йилга 1,2 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш орқали қуруқ сут, пишлоқ, бринза ва йогурт ишлаб чиқариш ўзлаштириладиган бўлса, "Gold

Dried Fruits" корхонасида 3 миллион долларлик 30 минг тонна мева-сабзавотни қуритиш ва замонавий омборхона лойиҳасини ишга тушириш ишлари жадал сураётганда давом этаётган.


Албатта, бундай қувончли зафарлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Улар, энг аввало бугунги кунга келиб жаҳон аҳли томонидан эътироф этиладиган "Ўзбек модели" тамойиллари асосида танлаган йўлимиздан оғишмай, мақсадларимиз сари илдам одимлаётганимиз шу юрт, шу Ватан келажиги учун масъулдорлик ҳиссини бир лаҳза бўлса-да унутмаётганимиз туфайлидир, десак янглишимиз.

Гулмира АМИРОВА, O'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги СТМ раҳбари

ДЕПУТАТ ВА ЖАМИЯТ

Ишонч амалий ишлар билан оқланади

✓ Маълумки, сиёсий партияларнинг куч ва салоҳияти кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари амалга ошираётган ишлар билан баҳоланади. Шу бўғин амалий ишларга қанчалик кўп қўл урса, сайловолди берилган ваъдаларини сидқидилдан адо этса, партиянинг ғоя ва мақсадларига эргашувчилар кўпаяди, унга бўлган ишонч ортади.



“ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР ФОРУМИ”

минлаш каби истиқболли дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир.

“Ёш тадбиркорлар ва фермерлар форуми”, айтиш мумкинки, ана шундай хайрли ишларнинг узвий давоми бўлиб, кўзлаган асосий мақсадимиз шуки, биз билан ҳамнафас, ёнма-ён яшаётган номдор, доверли, нафақат Марказий Осиё ёки МДҲда, балки дунё миқёсида танилаётган ишбилармон ва тадбиркорлар ортидан бораётган ёш тадбиркор ва фермерларимиз кўлга киритаётган катта-кичик ютуқларни кенг тарғиб қилиш, уларни янгидан-янгӣ марраларга ундаш баробарида ўзига хос мулоқот майдонини яратишдан иборатдир.

Эътироф этишга сазовор жиҳати, бугун барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи саналган тадбиркорлик ва фермерлик йўналишида халқимиз орозу қилаётган яъни, улкан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр қатлам етишиб чиқмоқда. Айни пайтга келиб, тадбиркорлик субъектларида ёш раҳбарларнинг улуши 32 фоиздан ошганлиги ушбу фикримизни яна бир қарра тасдиқлайди.

Қишлоқ жойларида эса мавжуд фермер хўжалиқларининг салмоқли қисмини ёшлар бошқараяпти. Улар томонидан турли хил йўналишларда маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Қувончлиси, мамлакат иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиш асносида ёш тадбиркор ва фермерлар тенгқуруларнинг бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу форум ана шундай шижоатли ишбилармон ёшларни бир жойга жамлайди ва ўз иқтидорлари-

ни намойиш этиш имконини яратади.

– Демак, форумнинг қамров доираси жуда кенглиги аён бўлмоқда. Табиийки, бу ташкилий жиҳатдан ҳам пухта тайёргарликни талаб этади, шундай эмасми?

– Бу борада, албатта, етарли тажрибага эгамиз. Маълумки, йил давомида республика миқёсида партиявий йўналишдаги кўплаб лойиҳалар доирасида тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Мисол учун, “Ишбилармон талаба – 2016”, “Диплом билан бизнесга”, “Ёш фермер” кўрик-танловлари шулар жумласидандир. Асосий-

си, O‘zLiDePнинг барча бўғинларидаги фаоллар форум оқори савияда ўтиши учун ҳамжиҳатлик, аҳиллик асосида иш олиб боришмоқда. Тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси қошида тузилган Ташкилий кўмита қизгин фаолият юритаяпти. ОАВда кенг тарғибот-ташвиқот ишлари аллақачон бошланиб кетди. Шу билан бирга Миллий матбуот марказида форумга бағишланган матбуот анжумани ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилоятда илгор фермер ва тадбиркорлар билан учрашув, мулоқотлар уюштириш ҳам режалаштирилган. Қолаверса, “Ўзбекистон” телеканалда мунтазам намойиш этилаётган “Муносабат” кўрсатувининг махсус сони айнан ана шу форум дастурига киритилган мавзуга бағишланади. Ва табиийки, форум доирасида қатор ҳамкор ташкилотлар, жумладан, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, “Ўзтадбиркорэкспорт” сингари ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ давра суҳбатлари ўтказилади. Анжуманининг янада самаралироқ ўтишини таъминлаш мақсадида унга тажрибали экспертлар жалб қилинмоқда. Ёш тадбиркор ва фермерлар мамлакатимиздаги тажрибали соҳа вакиллари ҳамда инвесторлар иштирокидаги махсус мастер-класс, очик мулоқотларда бевосита қатнашишади.

Ўйлаيمизки, форум кўтаринки руҳда ўтади ва иштирокчилар қалбида илиқ таассуротлар билан ёдда қолади.

А. МУЗАФФАРОВ ёзиб олди

СЎЗ – ИШТИРОКЧИЛАРГА



Аҳаджон ДЕҲҚОНОВ,
Фаргона вилояти:

– Фермер хўжалигимиз гапла етиштириш чорвачилик, балиқчилик ва паррандачиликка ихтисослашган. 37 гектар экин майдонимиз бор. Айни пайтда 800 бош қорамол ва 21 гектар ер майдонинда балиқчилик учун мўлжалланган кўллар ташкил этилган. Ҳозирда тижорат банклари томонидан 400 млн. сўм миқдоринда ажратилган кредит эвазига паррандачиликни кенгайтириш ниятидаман.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда фермерлар учун қулай муҳит ва шарт-шароитлар яратилгани муваффақиятларимизнинг асосий омил бўлмоқда.

Камилла ХАМАДОВА,
Тошкент шаҳри:

– Ёшим 26 да. Тадбиркорликни 2011 йилда 80 ўринли “Телеконт Вест” меҳмонхонасини барпо этиш билан бошлаган эдим. Ҳозирги кунда бу ерда 12 нафар ходим иш билан таъминланган бўлиб, меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Яқинда фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш мақсадида меҳмонхонамиз таркибига “Телеконт” кафесини ҳам ишга туширдик. Натижада яна бир қанча қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

Ўз навбатида O‘zLiDeP ғояларини тарғиб қилишда ҳам фаол қатнашиб келаяпмиз. Жумладан, жорий йилда меҳмонхонада 10 нафар аъзони ўзида бирлаштирган бошланғич партия ташкилотини тuzдик.

Хўш, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига O‘zLiDePдан сайланган депутатлар жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида сайловчи ишончини турли ваъдалар бериб “оқлаётгани” ёки амалий ишларга киришгани? Улар шу давр ичида одамларни ўйлантираётган қандай масалаларни синчиқлаб ўрганишяпти, сайловчилар, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича депутатлик сўровидан қай даражада фойдаланишяпти?

Маълумотларга қараганда, депутатларимиз жорий йилнинг ўтган ярим йили давомида сайловчилар мурожаатлари бўйича тегишли ташкилотларга 28 та депутатлик сўрови юборган. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугун аҳоли қонунларнинг жойлардаги ижросига ҳам бефарқ эмас. Бугунги сайловчи юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида бевосита иштирок этишни истайдими.

Асосийси, сайловчиларнинг ҳар бир мурожаати эътибордан четда қолмаяпти. Хусусан, партияимиз депутатлик гуруҳи аъзоси Раҳмонберди Норов Янгийўл туман ободонлаштириш бошқармасига йўллаган депутатлик сўрови натижасида Усмонобод кўчасини асфальтлаш масаласи ҳал қилинди.

Депутат Тохир Саидов эса Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат қасб-хунара коллежи директорига Вазирлар Маҳжамасининг 2015 йил 10 мартдаги “Қасб-хунара коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2015-2016 йилги ўқув йилларида мазкур қасб-хунара коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш юзасидан коллежда олиб борилган ишлар ҳолатини яхшилаш борасида депутатлик сўрови жўнатган. Айни пайтда битирувчи-

ларни ёш тадбиркорларга мўлжалланган давлат имтиёзлари ва преференциялари билан мунтазам таништириб бориш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ҳамда хунарамандчиликни ривожлантириш, ўқув режаларини, дастурларни мақбуллаштириш ва коллеж битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Шу билан бирга депутат Янгийўл тумани ҳокими Р. Норбўтаева Президентимизнинг “Давлат мулк объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарори ижросини таъминлаш бўйича туманда олиб борилаётган ишлар юзасидан депутатлик сўрови юборган. Бу мурожаат бевосита партияимиз электорати манфаатига дахлдорлиги боис партияимиз вакили мазкур масалага оидинлик киришти ва тадбиркорларга кенгроқ маълумот беришга интилиммоқда.

Депутат Дилбар Усмонованинг ташаббуси билан Қўрай тумани Ўнқўрғон ва Чинобод қишлоқларидаги таъмирталаб автомобиль йўлларининг ҳолати яхшиланимоқда.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиларидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳам депутатлик сўровидан унумли фойдаланишмоқда. Таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг ўтган олти ойи ичида улар томонидан 100 га яқин депутатлик сўрови жўнатилган. Мухими, аҳолининг турли масалаларда қилган мурожаатлари ўз вақтида ечимини топапти.

Хусусан, маҳаллий кенгаш депутати Раҳим Арипбаев Бўстонлиқ тумани Ободонлаштириш бошқармасига Фазалкент шаҳри

“Марказий” маҳалласида махсус чиқинди-хоналар йўқлиги, Матбуотчилар, Чирчиқ кўчаларида эса тунги ёритиш чироклари ёнмаётганлиги тўғрисида депутатлик сўрови билан мурожаат этган. Айни пайтда тунги ёритиш чироклари ўрнатилди, махсус чиқинди-хона ташкил этиш масаласи эса лойиҳалаштирилмоқда. Бир қарашда бу оддий масаладек туюлади, лекин унинг замирида сайловчилар ва фуқароларнинг манфаати ётибди.

Шу кунга қадар Фазалкент шаҳри, “Марказий” маҳалласи, Мармар кўчаси 21-кўп қаватли уйнинг ертўласидаги салбий санитария ҳолати ҳамда ичимлик суви таъминотидаги узиллишлар аҳолини бирмунча ташвишга солиб келаётган эди. Депутат Р. Арипбаевнинг туман “Сувоқова” ИЧК қорхонасига йўллаган депутатлик сўровига асосан ичимлик суви таъминотидаги узиллишлар бартараф этилди. Ертўладаги кўнглисиз санитария ҳолатини яхшилаш масаласи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига оқлатилди.

Кўриниб турганидек, ўтган давр мобайнида Халқ депутатлари туман Кенгашиларидаги депутатларимиз ўз ваколатларида кирувчи депутатлик сўрови институтидан бир қадар самарали фойдаланишган. Энг муҳими, юборилган депутатлик сўровларининг аксариятида тадбиркорлар манфаати ифодаланган.

Афсуски, депутатларнинг баъзи мурожаатларига лозим даражада эътибор қаратилмапти. Мисол учун, Баҳодир Аҳмедовнинг Кўйи Чирчиқ тумани давлат солиқ бўлими бошлиғига хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йилда гов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш ҳолати юзасидан юборган депутатлик сўрови ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Депутат Дилшод Рисқулловнинг Кўйи Чирчиқ туман ҳокими Уринбосари М. Ботировга жорий йилда туманда гўшт, сут ва мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган янги замонавий қорхоналарни қуриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурининг ижросини тўлақонли таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимликлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан жўнатган депутатлик сўровига эса оғзаки жавоб қайтарилган.

Шу ўринда яна бир гап. Мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишда фақатгина депутатлик корпусининг фаолияти камлик қилади. Бу жараёнда тадбиркордан ҳам ташаббус талаб этилади. Мурожаатни тақдим этдим, энди уни депутат ҳал этсин қабилдаги қарашлардан воз кечилсагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Зеро, ўзаро ишонч ва бирдамлик бор жойда ютуқлар бардавом бўлади.

– Ҳақиқатан ҳам шундай, – дейди O‘zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Абдор Уразов. – Зеро, қарс икки кўлдан чиққанидек, тадбиркор ўзи сайлаб депутат билан дўстона алоқа ўрнатиб, нафақат ўзини қийнаётган масала юзасидан, балки, кичик бизнес равнақи йўлида қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунишда ҳам доимо депутат кўмағига таяниши мумкинлигини унутмаслиги керак. Кўпинча аксарият тадбиркорлар дўппи тор келиб, бизнесига тўқинлик қиладиган вазият юзага келгандан кейингина депутатни қидиришни бошлашади. Бу тўғри йўл эмас. Қисқа қилиб айтганда, ҳамкорлик доимий тус олсагина, бундан ҳар икки томон бирдек манфаат кўради.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
“XXI asr” мухбири

Байрам шукуҳи

✓ “Ўзбекино” Миллий агентлигида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман Кенгашилари томонидан Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан соҳа вакиллари иштирокида “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда юртимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳамда партия томонидан амалга оширилаётган айрим ибратли ишлар хусусида сўз юритилди.

– Тарих учун қисқа, лекин биз учун ниҳоятда қадрли ва шарафли 25 йил ичида ҳаётга татбиқ этилган ислохотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палата-**

сидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Дилором Файзиева. – Истиқлол йилларида халқимизнинг маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсди. Шунинг баробарида эришилган ютуқ-муваффақиятларимиз дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Давра суҳбатининг “Ўзбекино” да ўтказилганлиги ҳам рамзий маънога эга бўлди. Чунки, ўсиб келаётган ёш авлод



маънавиятини шакллантириш, уларнинг камолга эришувида кино санъатининг ўрни ва роли ошиб бормоқда. Фракция аъзолари ва бошқалар мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган кино санъати хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Сардор ТУРОБОВ

✓ O‘zLiDeP Қонлиқўл туман Кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб “Бескупир” ОФЙдаги бошланғич партия ташкилотини давра суҳбати бўлиб ўтди.

Хотин-қизлар мавқеи ортмоқда

– Маълумки, истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бир пайтлар кўпроқ оилавий муаммолари билан банд бўлиб қолган опа-сингилларимиз эндиликда катта-катта қорхоналарни бошқариб, кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг раҳбари сифатида фаолият юритаётди, – дейди Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи аъзоси Гулистон Оролбаева. – Айниқса, O‘zLiDeP томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар янгидан-янгӣ қобилият эгаларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, шу орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган партиявий лойиҳалар натижасида сафдошларимиз сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари юртимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёлларимизнинг фаолият юритаётди, – дейди Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи аъзоси Гулистон Оролбаева. – Айниқса, O‘zLiDeP томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар янгидан-янгӣ қобилият эгаларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати

ЖАРАЁН

Барқарорлик ва осойишталик

эришаётган барча муваффақиятларимизнинг асосий омилидир

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам жадал ривожланиш даври бўлди. Президентимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилган оқилона ва одилона сиёсат туфайли фуқаролик жамияти институтлари самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилди. Мазкур ташкилотларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини такомиллаштириш, давлат томонидан молиялаштиришга йўналтирилган ўнлаб норматив ҳужжатлар кучга кирди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бундай тузилмаларнинг обрўси ошиб, мустақамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли йил сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.



Жиззах вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари Эштемир ИСМАТОВ билан суҳбатимиз ана шу муҳим мавзуга бағишланди.

– Эштемир Музаффарович, мулоқотимиз муқаддимасида вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида жамоат ташкилотларининг ўрнига тўхталиб ўтсангиз.

– Бугунги кунда уларнинг аҳамияти, роли шу қадар каттаки, бу бир эмас, бир неча суҳбатимизга мавзу бўлиши мумкин. Шу боис, мисол тариқасида ўзининг узоқ тарихига эга бўлган, ноёб бошқарув идораси сифатида шаклланиб келган, мустақиллик шарофати билан қайта тикланган маҳалла институти ҳақида мухтасар гапирсам.

Айни кунларда вилоятимизда 304 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолият олиб бормоқда. Яқинда бўлиб ўтган сайловларда МФЙ, ҚФЙ раислари ва 3 мингга яқин маслаҳатчи сайланди. Янги сайланган раис ва маслаҳатчилар маҳалланинг муайян ҳудудда аҳолининг турмуши, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида ўзига хос ўрин тутишини яқин англаб етганлар. Умуман, мазкур сайловлар доимо демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтмоқда. Натияжада миллий қадриятлар, халқимизга хос бўлган фазилатларни ўзида мужассамлаштирган маҳалла аҳолининг бирлиги, жиғислигини, маънавий-ахлоқий муҳитини мустаҳкамламоқда, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш, кам таъминланганлар, ногиронлар, пенсияонерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тўй-ҳашамларни ўтказиш, атроф-муҳитни асраш, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, шунингдек, спорт ва соғломлаштириш тадбирларида фаол иштирок этаяпти.

– Кучли фуқаролик жамияти ҳақида сўз кетса, албатта, фуқаролик жамияти институтлари сифатида сиёсий партиялар фаолияти ривожланиб бораётганлиги, тегишли ҳуқуқий база шакллантирилганига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Вилоятда сиёсий партиялар томонидан олиб борилаётган ишларни сиз қандай баҳолаган бўлардингиз?

– Вилоятда ҳар бир партиянинг ўзига

хос ўрни бор. Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Жиззах вилоят Кенгашининг воҳа ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётидаги таъсири кундан кунга ошиб бормоқда. Биргина мисол. Ўтган йилнинг декабрь ойида Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи томонидан навбатдаги сессияга Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вилоят ёшларини ватанпарварлик руҳида, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таъхидларга қарши иммунитетни шакллантириш юзасидан таклиф киритилди. У атрофича муҳомака этилиб, Кенгашнинг махсус қарори қабул қилинди. Ўтган вақт давомида мазкур қарор ижроси юзасидан вилоятда қатор ишлар амалга оширилди.

– Ёшлар мавзусида гап очдингиз. Тилга олинган қарор ижроси бўйича амалга оширилган ишлар хусусида сўзлаб берсангиз.

Бугунги кунда эътибор қаратилиши лозим асосий вазифалардан бири – маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрга эга, мафкуравий иммунитетни кучли ёшларни тарбиялашга янада кўпроқ эътибор қаратиш. Сир эмас, ёшларимизни ўз фарзли йўлларига бошлайдиган кучлар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номли китобида ҳам ушбу сўзлар келтирилган: "Бугунги кунда Ер юзининг айрим нуқталарида қандай сиёсий можаболар, уруш ва қонли тўқнашулар содир бўлаётганидан барчангиз хабардорсиз, албатта. Мисол учун, Ироқ, Сурия ва бошқа мамлакатларда халифалик тузишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Чет давлатларда сиёсий вазият шундай қалтис бўлиб турган бир пайтда,

болаларимизни йўлдан уриб, хорижий мамлакатларга олиб чиқиш учун ҳаракатлар бўлиши – биз учун жуда катта хавф. Бундай маккор ишларнинг ҳам ташкилотчилари бор. Уларнинг турли алдовлар, ёлгон ваъдалар билан болаларимизни чалғитишларига ҳеч қачон йўл қўймаймиз керак".

О'зЛиДеР вилоят Кенгаши билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланаяпти. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги қонунига асосан О'зЛиДеР ҳудудий ташкилоти билан вилоят ҳокимлигининг биргаликдаги дастури ишлаб чиқилгани ҳам алоҳида эътиборга молик. Унга асосан вилоятдаги 4 та академик лицей, 75 та касб-хунар коллежи ва 2 та – Жиззах давлат педагогика ва политехника институтиларида шу каби мавзуларда туркум тадбирлар ўтказилиб, мулоқотларда 60 000 нафар ўқувчи-талаба иштирок этди. Ушбу тадбирларга республикамиз ва вилоятимизнинг таниқли адиб ва шоирлари, олимлар, эл эътиборига тушган инсонлар таклиф қилинди. Фильмлар ва слайдлар намойиш қилинди. Шундай тадбирлар ўтган йилнинг декабрь, жорий йилнинг январь, июнь ойларида вилоятимиздаги барча қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам бўлиб ўтди. Ўйлайманки, мулоқотлар аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида миллий ватанпарварлик гояларини тарғиб қилишда, уларни огоҳликка чорлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Вилоят телерадиокомпаниясида О'зЛиДеР ташаббуси билан қўриқиди мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилгани ҳам алоҳида таъкидлашим керак. Шу билан бирга эришилган натижалар хотиржам бўлишимизга асос бўлмайди. Бу борада тинимсиз ишлашимиз, изланишимиз талаб қилинади. Шундай экан, бу йўналишда ҳам О'зЛиДеР вилоят Кенгаши билан ҳамкорлигини янада ривожлантириб бораверамиз.

– Юқоридан номи қайд этилган қарорда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб ўтилган эди...

– Долзарб мавзуда сўз очдингиз. Ёшларни нафақат спорт ва санъат тўғрисидаги жалб қилиш, балки тадбиркорликка йўналтириш, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам ўта муҳим. Ҳамма иллатларнинг бош сабаби бекорчилик, дангасалик десам муболага бўлмайди. Билимли, касб-хунарли ёшларни ижтимоий фаолликка йўналтириш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмаклашиш ниҳоятда муҳим. Шундай экан, бу масалага вилоятда жиддий эътибор қаратилаётди. Кейинги йилларда вилоят аҳолиси сони ҳар йили ўртача 15-17 минг нафарга, иқтисодий фаол аҳоли 10-12 минг нафарга, банд аҳоли 10-11 мингга ошмоқда. Шунингдек, ҳар йили вилоятдаги касб-хунар коллежларини ўртача 18 минг нафар, олий таълим муассасаларини 2 минг нафар йигит-қиз битириятти. Шундан келиб чиқиб, вилоятда 2015-2019 йилларда жами 225,6 мингга, жумладан, 2016 йилда 44,3 мингга, 2017 йилда 44,5 мингга, 2018 йилда 44,8 мингга, 2019 йилда эса 45 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши мўлжалланган. Айтайлик, аҳолиси тарқоқ ва ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган Баҳмал, Фалларол, Фориш, шунингдек, Пахтакор туманларида "Жиззах Пласттек" корхонасининг тикувчилик йўналишидаги филиаллари ташкил этилиб, 1000 дан ортиқ иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

О'зЛиДеРнинг "Диплом билан – бизнесга", "Ишбилармон талаба", "Ишбилармон аёл", "Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага", "Мулкдор оила" каби лойиҳалари ҳамда "Тадбиркорлар мулоқот форуми" бу масалани ижобий ҳал қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Биргина "Ишбилармон талаба" кўрик-танлови доирасидаги тадбирларда 960 нафар навқирон авлод вакили турли йўналишлардаги бизнес-режалари билан қатнашганликлари ҳам ушбу лойиҳанинг вилоятимиз ёшлари орасида нақадар омалашганини кўрсатади.

– Ҳадемай, энг улуг ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик тانتаларини нишонлаймиз. Истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимизнинг бош омили нималарда деб биласиз?

– Қисқасига мuddат ичида эришилган, бемалол айтсам бўлади, жаҳоншумул муваффақиятларимиз негизи, аввало, тинчлик ва барқарорликда, деб биламан. Юртимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, меҳр-оқибат каби эзгу қадриятлар аллақачон жамият ҳаётини белгилувчи мезонга айланган. Бугунги кунда вилоятимизда 30 дан ошиб кетган миллий маданият маркази фаолият кўрсатаяпти. Яқинда бўлиб ўтган "Ўзбекистон – умумий уйимиз" фестивалида барча миллат вакиллари Ватанимиз равнақи, келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб, камарбаста бўлаётганликлари, бир-бирларига эҳтиром кўрсатаётганликларини кўриб, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган доно сиёсат ўз мевасини бераётганига яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Суҳбатимиз сўнгидеги шунга яна бир бор таъкидламоқчи эдимки, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, НТТлар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омиллиги айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашиш билан бирга давлат ва жамият бошқарувида муносив иштирок этмоқда. Зеро, юртимизда тўб ислохотлар энг аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилимоқда.

"XXI asr" мухбири Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ суҳбатлашди.



ОЧИҚ МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

Тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерлар диққатига!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Давлат Солиқ қўмитаси, Марказий банк, етакчи тижорат банклари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида

"Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига кредитлар ажратилиши борасидаги муаммолар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумотлар билан ўртоқлашиш, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари экспорти бўйича амалий ёрдам кўрсатиш" мавзусида ОЧИҚ МУЛОҚОТ ўтказилади.

Мулоқотга Адлия вазирлиги, Марказий Банк, Бош прокуратура, Олий ҳўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент вилоятининг Чиноз, Янгийўл ва Зангиота туманлари Давлат солиқ инспекцияси бўлимлари вакиллари таклиф этилган. Ўзма-ўз мулоқотда бевосита қатнашиб, ўзининг қизиқтирган ва ўйлангандан турли саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Очиқ мулоқот 2016 йил 29 июлда "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) соат 15:00 да бошланади.

Саволлар қўйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади: (0-371) 215-60-45, 255-68-50, 215-63-80 (+998 95) 194-83-95, 194-83-96.

ИЖТимоий РЕКЛАМА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзусида ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўмағида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловга 2016 йилнинг 1 январидан 2016 йилнинг 10 ноябргача Республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР:

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаху совғалар билан тақдирланади.

Материаллар "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзусида ижодий танловга деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2016 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@mail.uz.

Ташкилий қўмита

Юртимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларданок стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда қайта ишлаш корхоналарининг ҳомаёти базасини мустаҳкамлаш, мамлакат истеъмол бозорини йил бўйи сабзавот, картошка, ҳўл мева ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Натияжада аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб, яшаш даражаси юксалаяпти. Хусусан, серкўш юртимизда етиштирилган ноз-неъматларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш ҳажми йил сайин ошиб бораётганлиги қувонарлидир.

Масъулиятни ҳис этиб...

Тошкент вилоятининг Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жамоаси ҳам маҳсулотларини миллий ва халқаро стандартларга асосан ва ISO халқаро стандартларига мувофиқ сертификатлаштириш, уларни аккредитланган синов лабораториясида синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва савдо нуқталарида мавжуд бўлган ўлчов воситаларини сифатли метрологик қиёслашга алоҳида эътибор қаратиб келаётди. Бу борадаги ишлар вилоятнинг Бука, Янгийўл, Бекобод, Чиноз туманларида яқин йўлга қўйилганлигини таъкидлаш лозим. Марказимизда учта сертификатлаштириш нуқтаси мавжуд бўлиб, уларнинг аккредитация доирасига озиқ-севкат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва қурилиш ҳомаёси, металлургия ва халқ истеъмол буюмлари, машинасозлик ва бошқа технологик жиҳазларни стандартлаштириш киради. Улар

эксперт-аудиторлар иштирокида синовдан ўтказилади. Шунингдек, корхона ва ташкилотларга ISO 9001; ISO 14000 ва ISO 22000 халқаро стандартлари талаблари асосида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш бўйича амалий маслаҳатлар берилиб, тегишли хизматлар кўрсатишмоқда. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий Давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари билан ҳам доимий ҳамкорлик йўлга қўйилганини туфайли фаолиятимизни такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш таъминланаяпти.

Турдикул НОРМАТОВ, "Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси ахборот хизмати ходими



Бошлангич партия ташкилотларида

ТАЯНЧ ТУЗИЛМАЛАР САЛОҲИЯТИ

жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал қилинишида ҳам яққол кўзга ташланмоқда



Партия дастурий гоя ва мақсадларини омалаштириш, сиёсий куч нуфузини мустаҳкамлашда бошлангич ташкилотларнинг аҳамияти катта. Хусусан, куйи бугун етакчиси ташаббускор, иқтидорли, ишчан ва сиёсий-ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаган бўлсагина, партиянинг электорати вакиллари ордин эргаштира олади.

“Серб Чори ўғли” фермер хўжалигида фаолият юритаётган БПТ раиси Саъдулла Шароповни нафақат 13 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилаётган Чандир қишлоғида, балки бутун Миришкор туманида ҳам сарғайрат, ташаббускор етакчи сифатида яхши билинади. Сафдошимизнинг элга манзур хислатларидан бири – маҳалладошлари, юртдошларини уйлантираётган муаммоларга берафқ қарай олмаслигидир. У куйи бугун йиғилишларида кўтарилган масалаларнинг мақбул ечимларини топишга астойдил ҳаракат қилади. Жумладан, қишлоқ ёшларини тadbиркорликка йўналтириш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланишлари учун оилаларга ер ажратиш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш борасидаги ўндан ортиқ масала партия туман кенгаши ва О'зЛиДеП депутатлик гуруҳи кўмағида ўз ечимини топганлиги эътиборга молик.

Умуман, Шароповлар оиласи қишлоқнинг фариши десак, янгилимаймиз. Отаси Сайфулла Шаро-

пов кўп йиллардан буён маҳаллий касалхонада бош шифокор бўлиб ишлайди. Институтни битиргач, ҳамкасблари билан бирга беморларнинг дарддан фориғ бўлишига кўмаклашди, теран билими, ҳалол меҳнати билан эл-юрт ҳурматини қозонди. Онаси Эркиной Акматова эса гиламчилик ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ҳунарманд аёллардан. Унинг қишлоқ қизларига бу қадимий ҳунар буйича сабоқ бериш, ноёб туркман гиламларини излаб топиш ва қайта тиклаш борасидаги ишлари таҳсинга сазовор.

Саъдулла Қарши муҳандислик-иқтисодий институтида таҳсил олган кезларида О'зЛиДеП саёфига кириб, талабалар ўртасида партиянинг гояларини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган, турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилишига бош-қош бўлган эди. Институтни битиргач, фермер хўжалиги ташкил қилди. Хўжаликда партия таянч тузилмасига асос солиб, етакчилигини ўз зиммасига олди. Мамнуният билан айтиш керакки, у нафақат партиявий ишлар, балки асосий касб-корини ҳам моҳирона уқдалаб, кўпларга ибрат кўрсатмоқда. Чунончи, пахта ва галла етиштиришда илғор тажрибаларни қўллаб, 48 гектар ердан ҳар йили мўл ҳосил кўтариб, давлат шартномаларини ортиги билан бажараётди. Хўжаликда 20 киши доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Етакчи қишлоқ мактабини таъмирлаш, муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ободонлаштириш ишлари бораси-

да ҳам доимо янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Жонкуяр йигит 29-“Янги ҳаёт” сайлов округидан туман кенгашига депутат этиб сайланган эди. Айни пайтда у сайловчилар ишончини оқлайпти.

“Чандир” ММТП ҳудудида 40 дан зиёд фермер хўжалиги бўлиб, улар 2200 гектар сугориладиган майдонда деҳқончилик қилишади. 17 та фермер хўжалиги даласига сув етарли даражада етиб келмаётганлиги боис, деҳқонлар насос орқали сизот сувлардан фойдаланишга мажбур. Бир неча куйи бугун йиғилишлари ҳулосаларини олган депутат экин майдонларининг шўрланиш даражаси меъёрдан ошиб, ҳосилдорлик камайиб кетаётганлиги боис туман ирригация тизими бошқармасига сўровнома билан чиқди. Натижада мазкур фермер хўжалиқларининг сувга бўлган эҳтиёжини Амир Темур номли канал воситасида қондиришга оид ишлар қизгин равишда олиб борилапти. Қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув борасидаги таъминоти ҳам депутатнинг сай-ҳаракатлари билан йил сайин яхшиланиб борапти.

Миришкор қишлоғида 120 ўринли замонавий болалар боғчаси қурилган эди. Муассаса эътиборсизлик туфайли таъмирталаб бўлиб қолган, бугунги кунда фаолият кўрсатмайди. Лекин қишлоқда бошқа бундай маскан йўқ. Шу боис депутатлар Саъдулла Шаропов ҳамда Рўзимурод Расуловнинг сай-ҳаракатлари билан уни капитал таъмирлаб, ишга тушириш, шунингдек, янги бунёд қилинган 40 хонадонли кўчани электр билан таъминлаш, 3 километр узунликдаги йўлни асфальтлаш борасида тегишли идораларга сўровномалар йўлланган. Партиянинг вакиллари партия сай-ҳаракатлари билан Гулшанбоғ қишлоғи аҳолиси суялтирилган газ билан таъминланди. 18-мактабнинг атрофини девор билан ўраш, чорвачилик билан шугулланишлари учун одамларга 5 гектардан лалмикор ер ажратиб бериш борасидаги ишлар бошлаб юборилди. Таъкидлаш керакки, бу масалаларга депутатлар, муассасаларнинг эътибори жалб

қилинишида куйи тузилмаларнинг алоҳида ўрни бор. Муаммолар ҳал қилинишида ҳам БПТларнинг фаол иштироки кўзга ташланмоқда.

Маҳаллий кенгашдаги партия-миз депутатлик гуруҳи томонидан тайёрланган 3 та – “Қурама ва Найистон қишлоқларида 2010-2011 йилларда қуриб битказилган ичимлик суви ҳавзаларини ишга тушириш”, “Қурама қишлоғида касб-хунар коллежларини битириш, тadbиркорликни бошлаётган йигит-қизларга тикувчилик, сарнарошлик, пойабзал устaxonаси, Гўзаллик саломи, дорихона, савдо дўконлари қуриш учун ер ажратиш”, “46 йил олдин қурилган “Найистон” линиясидаги бетон долзарб масалаларни чўқур ўрганиш, зарур маълумотларни тўплаш ва умумлаштиришда бошлангич ташкилотлар депутатларнинг том маънодаги елкадошига айланган.

– Саъдулла Шаропов ҳам БПТ етакчиси, ҳам депутат сифатида партиявий тadbирларда фаол қатнашиб, асосли, пухта уйланган таклиф ва мулоҳазалар билдираётди, – дейди О'зЛиДеП Миришкор туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шариф Раҳмонкулов. – Жойларда ташкил этилаётган ташкилий-партиявий, гоявий-сиёсий ишларнинг фаол ташкилотчиси сифатида барчага намуна бўлапти. Партия фаолларининг сиёсий билимларини мукаммаллаштириш мақсадида турли давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этишда ҳам бизга кўмаклашмоқда. Биргаликдаги ишлар самараси шу бўлдики, ўтган бир йил давомида туманимизда 5 та янги БПТ очилиб, аъзолар сони 120 нафардан ошди.

Депутатларнинг бошлангич ташкилотларга бириктириб қуйилганлиги ҳам ташкилий-партиявий ва тарғибот ишларининг самарадорлигига эришишда муҳим омил

бўлапти. Ўтган 6 ой мобайнида қонун ҳужжатлари, Давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан беш нафар мансабдор шахс ҳисоботи ашитиш, электрорат манфаатлари назарда тутилган ўттиздан ортиқ сўровноманинг аксарияти куйи бугун фаоллари ва етакчиларнинг ташаббуси билан амалга оширилди.

Шу ўринда куйи тузилмаларни зарур услубий ва амалий қўлланмалар билан таъминлаш ишлари доимий тарзда олиб борилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Етакчилар учун мунтазам равишда ўқув-семинарлар, давра суҳбати ва тажриба алмашишлар ташкил этилаётгани ҳам диққатга сазовор.

– БПТ фаоллари, партия туман бўлими ходимлари ва депутатлар томонидан аҳоли ўртасида мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан “Гўзал ва бетакороримсан муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шiori остида турли тadbирлар ташкил этилапти, – дейди Саъдулла Шаропов. – Жонли мулоқотларда озод дийримизда амалга оширилаётган туб ислохотлар моҳиятини чуқурроқ очиб бериш, истиқлол давридаги яратувчилик, бунёдкорлик жараёнида аждодларимизнинг эзгу тажрибалари умумлаштирилиб, янги асосларда тараққий топаётганлигини таъкидлаяпмиз. Шу ўринда қайд этишни истардимки, бугунги глобаллашув замонида ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мисли кўрилмаган кураш кетмоқда. Бинобарин, бир зум ҳам хотиржамликка берилмаслигини лозим. Осойишталик ва хушёрлик бор жойда ёмон иллатлар илдиришга олмайдди. Ёшларимизнинг бахтли эртаси, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечирishi ва фаровонлигини таъминлашда улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтирсак, келажакимиз ишончли қўлларда бўлади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI ast” мухбири

Бошлангич ташкилот партиянинг асосий бўғинидир. Бошлангич ташкилот аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита алоқада иш юритиш ва уларга таъсир кўрсатиш имконига эга бўлган партиянинг куйи тузилмасидир.

Бошлангич партия ташкилоти ҳар томонлама билимдон, сиёсий ва ижтимоий тайёргарликка, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш соҳасида янги гоя ва таклифларга эга бўлган, партия воситалари билан тadbиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари ва сиёсий кучнинг бошқа аъзолари манфаатларини ифодалашга қодир, обрўли ва жонкуяр шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишидан ташкил топади.

Бошлангич партия ташкилоти ташаббускор ва ишчан бўлиши, партиянинг тактик вазибаларига мувофиқ иш шакли ва услубларини тез ўзгартириш қобилиятига эга бўлиши ва аҳолининг долзарб, кундалик муаммоларини ҳал этишда амалий тadbирларни бажариш билан шугулланиши керак.

О'зЛиДеП Уставидан



Қувончли ютуқлар кўп

О'зЛиДеП Хоразм вилоят Кенгаши ҳузурдаги Сиёсий таълим маркази ҳамда Урганч туманидаги “Меъазор” МФЙ ҳудудида фаолият юритаётган бошлангич партия ташкилоти ташаббуси билан маҳалладаги тикувчилик корхонасида “Чорак асрлик истиқлол – асрларга тенг истиқбол” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Тadbирда СТМ раҳбари Дурдона Қабулова тўланганларга истиқлол йилларида эришилган асрларга татиғулик ютуқлар, хусусан, Урганч шаҳрида олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳаётий, жонли мулоқотлар орқали сўзлаб берди.

Маҳаллада ташкил қилинган таянч тузилма раиси А.Каримов тикувчилик цехини очган Д. Абдуллаевага миннатдорлик билдириб, юртимизда аёлларга кўрсатилаётган гамхўрлик билан маҳалладаги тикувчилик корхонасида “Чорак асрлик истиқлол – асрларга тенг истиқбол” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Тadbирда СТМ раҳбари Дурдона Қабулова тўланганларга истиқлол йилларида эришилган асрларга татиғулик ютуқлар, хусусан, Урганч шаҳрида олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳаётий, жонли мулоқотлар орқали сўзлаб берди.

С.ОЧИЛОВ,
О'зЛиДеП Хоразм вилоят Кенгаши ҳузурдаги СТМ раҳбари ўринбосари

Дахлдорлик туйғуси

✓ О'зЛиДеП Арнасой туман Кенгаши таркибидаги 840 нафар маслақдошимизни бирлаштирган 43 та бошлангич ташкилот энг улуг ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 25 йиллик санасини муносиб кутиб олиш тараддудида.

Яқин-яқингача Арнасой деганда кўпчилигининг тасавурида “куч усча қаноти, одам юрса оёғи қуядиган” чўл-у бибён гавдаланарди.

Истиқлол йилларида олиб борилаётган ислохотлар натижасида туман қиёфаси тубдан ўзгарди. Қисқа вақт ичида қад кўтарган замонавий бинолар, мактаб ҳамда коллежлар, санъат ва спорт саройлари кўзни қувонтиради. Энг муҳими, ҳамюртларимиз дунёқарашда катта ўзгаришлар рўй берди. Турмуш фаровонлиги кундан-кунга ошиб бораётгани, мулкдорлар қатлами туман иқтисодиётининг барча бўғинларида етакчи кучга айланиб улгургани, ҳар жиҳатдан баркамол авлод шаклланаётгани арнасойликлар қалбида бугунги дорилоним кунларга шукроналик, эртанги кунга умид туйғуларини уйғотмоқда.

Халқимизда “Тўйга тўёна билан”, деган ибора бор. Асрлар синовидадан ўтган миллий қадриятларимизнинг энг гўзал жиҳатларини ўзида жамлаган, муқаддас сана ҳамда байрамларни муносиб кутиб олиш билан боғлиқ ва иборат республикамиз мустақиллигининг 25 йиллиги тантаналарига тайёргарлик жараёнида айниқса яққол намоён бўлмоқда. Эътиборли,

бу жараёнда жойлардаги БПТ аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

– Юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган ишларимиз кундалик фаолиятимизнинг ажралмас қисмидир. Шу боис истиқлол-лигимизнинг чорак асрлик санасига тайёргарлик йил бошидан оқ бошланди кетган эди. “Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига 25 та кўчат мендан туғфа” шiori остида ўтказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш жараёнида туманимиздаги қишлоқ ва маҳаллаларда, корхона, муассаса, мактаб ҳамда касб-хунар коллежлари ҳудудларида минглаб манзарали ва мева-ли кўчат ниҳоллари ўтказилди, ҳашарлар уюштирилди. Қолаверса, “Мустақиллик меннинг тақдиримда”, “Ким эдинг-у ким бўлдинг?”, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин!”, “Истиқлолим – истиқболим” каби мавзуларда ўтказилган оммавий тadbирларда маслақдошларимиз мустақиллигимизнинг тарихий аҳамияти, юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, бугунги тинчлик ва фаровон ҳаётимизни асраш тўғрисида маърузалар ўқимоқдалар. Бундай тadbирлар, фести-

валь ва кўрик-танловларда партиямиз Дастури ва Сайловди платформасида баён этилган мақсад ва вазибаларни кенг жамоатчиликка етказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ҳар бир партия аъзоси қалбида шу Ватан тақдирига, келажакига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сафимизга янги-янги аъзоларни жалб қилишга имкон яратмоқда. Жорий йилда маслақдошларимиз сони 112 нафарга ошганини ҳам айнан шу жараёнлар билан изоҳлаган бўлардим.

Дарҳақиқат, тумандаги сафдошларимиз амалий самарага алоҳида эътибор қаратмоқдалар. 43 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Арнасойда 1120 та тadbиркорлик субъекти, 400 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Оилавий ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, бу жараёнда ёшларни, айниқса, коллеж битирувчиларини кенг жалб қилиш учун маҳаллий ҳокимият ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Мисол учун, партиявий лойиҳалардан бири – “Ишбилармон талаба” кўрик-танловида тумандаги 3 та касб-хунар коллежда тахсил олаётган 100 нафарга яқин ўқувчи турли йўналишлардаги бизнес-режалари билан иштирок этган бўлса, “Ишбилармон аёл” танловида 20 дан зиёд тadbиркор ва фермер қатнашди. Бу тadbирларнинг талаб даражасида ўтишига кўплаб куйи бугунлар муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса,

Халқ банкининг туман филиалида тузилган, тажрибали сафдошимиз Бобур Исломов етакчилик қилаётган БПТ фаоллари жонбозлик кўрсатдилар. Наргиза Раҳматуллаева, Рўзигул Файзуллаева каби О'зЛиДеП фаоллари эса “Ишбилармон талаба – 2016” кўрик-танловида муносиб қатнашиб, вилоят босқичига йўлланмаларни кўлга киритдилар.

– Айни дамларда Ўзбекистондаги барча юртдошларимиз қатори биз – арнасойликлар ҳам мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйини янги ютуқлар билан қаршилашга ҳаракат қилаяпмиз, – дейди “Ишбилармон аёл” танлови совриндорларидан бири, О'зЛиДеП фаоли Фарида Нурхонова. – Ватанимиз равнақи, юрт келажакига ҳар биримиз дахлдоримиз. Чунки айнан мустақиллик шарофати билан тadbиркор ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Жумладан, мен миллий ширинликлар ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех очиб, ўз бизнесимни бошлаганимга кўп вақт бўлгани йўқ. “Интиланган толе ёр” деганларидек, фаолиятимиз кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Яқинда цех қошида ўқув курсларини йўлга қўйдик. Айни пайтда 20 нафардан ошқ аёл пазандалик сирларини ўрганишга киришди...

Бундай дилдан чиққан сўзларни арнасойлик барча маслақдошларимиздан эшитиш мумкин. Бу эса ҳар бир партиядошимиз юртимизда кечаётган улкан ўзгаришларга, бунёдкорлик ва яратувчилик фаолиятига ўзларини дахлдор, деб билаётганликларидан далолат беради.

Дониёр ТўҚСОНОВ,
О'зЛиДеП Арнасой туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари

Мустақиллик шукронаси

✓ О'зЛиДеП Марғилон шаҳар Кенгаши фаол бошлангич ташкилотлар билан ҳамкорликда “Гўзал ва бетакороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шiori остида “Мустақиллик шукронаси” деб номланган давра суҳбатини ташкил қилди.

Тadbирни партия шаҳар ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари А. Раҳбаров кириш сўзи билан очиб, истиқлол туфайли қўлга киритилган улкан ютуқлар, юртдошларимиз онгу тафаккурда юз берган мислсиз ўзгаришлар, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга партиядошларимиз қўшаётган муносиб улуш хусусида сўзлаб, кечяги кун билан бугунги ҳаётимизни солиштириб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асрашга даъват этди. О'зЛиДеП вилоят Кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Ҳ. Назиров, “Ёшлар

қаноти” фаоллари З. Назиров, Ш. Мусахонова, “Самия сердават” МЧЖдаги БПТ раиси М. Ғиёсова ҳамда мулоқотта таклиф этилган отахон ва онахонларимиз чиқишлари замирида ҳам “Ким эдинг-у ким бўлдинг” деган саволга ҳаётий жавоблар мужассам бўлди. “Биз ўз мустақил тараққиёт йўлимизни аллақачон – 1991 йилдаёқ қатъий белгилаб олганмиз. Энди бизни собиқ тузум билан боғлайдиган ҳеч қандай ришта қолмади”, – дея таъкидлади кексалардан бири И. Бекмирзаев.

Ўз мухбиримиз

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ



Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси ёруғ бўлсин

десангиз ҳалол яшанг,
чин дилдан ишланг, дейди қизилтепалик
фидойи аёл Қандолат ая Каримова



Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари...
Отадан беш ёшида етим қолган Олимжон эр этиб, қишлоқнинг шаддоқ қизларидан бири Қандолатга уйланди. Далада кеча-ю кундуз механизаторлик қилиб топгани оила тебратиш, уч нафар фарзандини едириб-ичиришга аранг етар, янги уй-жой қуриш эса ушалиши мушкул орзу эди. Ана шундай сертавиш, оғир кунларнинг бирида Олимжон аёлига маслаҳат солди:
— Эртага ўртачўлга кўчамиз, янги таш-

кил этилаётган ҳўжаликка тракторчи бўлиб ишга кирдим.
— Болалар-чи?
Эрининг қутилмаган гаплари Қандолатни чўчитиб юборганди. Мактабда ўқиб юрган кезлари тенгдошлари билан шувоқ чопишга боришганда кўрган Уртачўл кўз олдига келди: тракторда 3-4 соатлаб йўл юриб, бирорта иморат учратишмаган, кундузлари 45-50 даража иссиқ, кечалари пашша-чинилар гулжон ўйнаган бийдай далаю

дашт... Олимжонни эса табиий қийинчиликлардан ҳам кўра фарзандлари тақдири ўйлантирар эди.
— Директор билан гаплашдим. Ҳозирча вагон уйда яшаймиз. Кейинчалик янги қурилатган уйлардан бераман, деди. Болаларни ҳозирча бирор қариндошимизникида қолдирамиз.
— Мен эса уларни ташлаб ҳеч қабққа кетмайман! — деди Қандолат қатъий оҳангда.
...Улар кўчган "вагонча" ҳўжалик марказидан салкам 20 қақирим узоқликда, пахта даласига туташ бетон ариқ ёқасига жойлаштирилган эди. Олимжон тўрт-бешта гишт топиб, омонат ўчоқ ясади. Қандолат эса қўлбола "пашшахона" тикди. Шу тариқа кунлар бир амаллаб ўта бошлади. Эрта кунда тўнгич ўғил — Обиддиннинг мактабга бориши масаласи кўтарилгач, чўлуқварлар оиласи кўшни "Фаргона" ҳўжалигидаги дала шийпонига кўчишга мажбур бўлди. Олимжон гараж мудури, Қандолат далада оддий ишчи эди. Рўзгорга кўшимча даромад бўлар, деб ўзлаштирилган озгина ерга қовун-тарвуз экишди. Эртадан кечгача қора терга ботиб, меҳнат қилишди. Аммо ўзлаштирилган ерларнинг янги "талабгорлари" чиқиб қолди. Ҳай-

хотдай чўлда оила ризқини бериб турган сигир-бузоқни боқишга ҳам жой топиламай қолди. Шу тахлит янги қўриқ ерларга кўчишга тўғри келди...
Фалокат оёқ остида, деганлари тўғри экан. Яхши-ёмон кунларда бирга бўлган, сув келса симириб, тош келса кемирган суянч тоғи бехосдан кулаб тушганда Қандолатнинг дарду дунёси қоронғу бўлиб кетди. Турмуш ўртоғининг автохалокат сабабли вафот этиши уни анчайин довдиратиб қўйди. Бир этак бола билан қолгани учун нима қилишини билмас, қишлоқнинг кенг-мўл ҳовлисига сикмас эди.
— Ўша кезларда ҳўжаликни бошқариш осон бўлгани йўқ. Устига устак иккиқат ҳолимда гўза оралайман. Эндигина 18 га қадам қўйган Обиддиним эса эртаю кеч сув қўяди, — ўтмиш дафтарини варақлайди Қандолат ая Каримова — Техника ажратишми, ўғит керакми, қандай муаммо бўлмасин, аёл бошим билан қамишзор ва янтоқзорларни оралаб, қоронги кечаларда ҳўжалик идорасига боришга тўғри келарди. Шу орада Ёдгоржоним дунёга келди. Чилласи чиқмаган боламини ака-опалари билан уйда қолдириб, далага чиқиб кетганман...

Кизилтепа туманига қарашли мазкур ҳудудда бугун "Ҳалим Олим" фермер ҳўжалиги ташкил этилган. Яратилган замонавий қулайликлар оила аъзоларининг кўчига кўч, гайратига гайрат қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда.
Қандолат опа яхши эслайди: Уртачўлда фермерлик ҳаракати кенг қулоқ ёя бошлаган кезлар эди ўшанда. Учрашувлардан бирида туман ҳўкимми "Мен Қандолат опани йиғирма йилдан бери биламан. Янги фермер ҳўжалиқларидан бирини у кишининг ихтиёрига беринлар", деган эди қатъий ишонч билан. Бундай самимий рағбат опага қанот ва илҳом бағишлади.
Янги фермер ҳўжалигини раҳматли турмуш ўртоғи хотирасига "Ҳалим Олим" деб номлади. Ишни, энг аввало, сув йўлларини тартибга келтириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашдан бошлади. Пахта, беда ва галлани алмашлаб экиш тизими йўлга қўйилди. Ишчи-хизматчиларнинг яшаш учун қўшимча замонавий қулайликлар яратилди. "Ҳалим Олим" қисқа фурсат орасида Уртачўлдаги кўп тармоқли фермер ҳўжалигига айланганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳўсилдорлик пахтадан 18 ўрнига 45 центнерга, галладан 22 центнер ўрнига 82 центнерга кўтарилди.
— Онам қарилки нафақасига чиққан 2010 йилда раҳбарлиқни қабул қилган бўлсам-да, ҳали-ҳануз у кишининг йўл-йўриқ ва маслаҳатлари асосида иш тутаман, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Обиддин Ҳалимов. — Ҳозир ҳам ҳафта, ўн кунда далаларни бирма-бир ораламасалар, кўнгиллари жойига тушмайди. Серёгин ва инжиқ келган жорий йилда у кишининг қимматли маслаҳати билан 24 гектардаги "Есаул" навли уруғлик галлага кимёвий ҳамда биологик усулда ишлов бериб, ўз вақтида озиклантиришимиз, барча агротехник тадбирларни вақтида

ўтказишимиз тўғрисида 82 центнердан ҳўсил кўтардик. Давлатга шартнома асосида 92 ўрнига 102,1 тонна сара дон топирилди. Қолган 100 тоннадан зиёдрогини ўз омборимизга киритдик. 24 гектар майдондаги гўза ниҳолларимиз ҳам дуржун ўсапти. Ҳўжалигимиз ташкил топганидан бери бирор йил ҳам пахта ҳўсилдорлиги 40 центнердан кам бўлгани йўқ. Мавжуд 3 та ТТЗ русумли, 3 та ЮМЗ ва МТЗ русумли трактор ва 6 та тиркама, ўн бешдан зиёд "Қир-1.5", ўғит ва кимёвий сепиш агрегатлари, сеялка, культиватор, плуг, чизель, борона, мола ҳамда бошқа русумдаги қишлоқ ҳўжалик техникалари мушкуллимизни осон қилмоқда.
Илгари бир бош сигир-бузоқни боқишга жой топиламан оиланинг қорамоллари сони бугунги кунда 200 бош, қўй-қўзилари эса 2 мингдан ошган. 150 гектардан зиёд яйлов ерлари фермер ҳўжалиги ихтиёрида. Ҳалол меҳнат турмушга янги маъно ва рўшнолик бахш этаётир. Тўрт ўғилнинг ҳар бирида юртимизда ишлаб чиқарилган "Каптив" ҳамда иккитасида "Дамас" автоматласи бор. Уй-жой шaroитлари ҳам ҳавас қилса арзигулик.
— Ҳаётнинг ўн беш қоронғу бўлса, ўн беш ёруғ экан. Мана, истиқлол шарофати, муҳтарам Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши тўғрисида мулкдор бўлдик. Биз бошлаган ишларни эндиликда фарзандларимиз давом эттиришарми, — дейди Қандолат опа фаҳрга тўлиб. — Шу кунларга етказганига шукр. Ота-боболаримиз кўрмай кетган ёруғ кунлар бизга насиб этди. Оддий ўзбек аёли, қолаверса она учун бундан ортқ бахт борми? Йилоҳ, барча неъматларнинг асоси — Мустақиллигимиз абадий, осмонимиз муссаффо бўлсин!
Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

САРҲИСОБ

Истиқлол йилларида таълим соҳасига жиддий эътибор қаратилиши натижасида энг чекка қишлоқларда, олис овулларда ҳам кўркам ва замонавий мактаблар бунёд этилди, фарзандларимиз кенг ва ёруғ хоналарда таҳсил олиш имконига эга бўлишди.

Билимнинг чеки йўқ

Самарқандда "Вилоят умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фан олимпиадалари, билимлар беллашуви ва бошқа кўрик-танловлардаги иштироки ҳамда 9-синф битирувчи ўқувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб этиш" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда соҳада эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳусусида сўз юритилди.
— Жорий йилда фан олимпиадасининг вилоят босқичида 714 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, шундан 28 нафари республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди, — дейди вилоят ХТБ бошлиги Азамат Умаров. — Билимлар беллашувининг республика якуний натижаларига кўра вилоятлар орасида тўртинчи ўринни эгалладик. Жумладан, Иштихон туманидаги 2-ИДУМ ўқувчиси Сардор Оминов математика фанидан 100 балл, Самарқанд шаҳридаги 51-ИДУМ ўқувчиси Амина Ахроркулова 97 балл, Каттақўрган шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Азизбек Пардаев 95 балл тўплаб, фахрли биринчи ўринни эгаллашди.
Айтиш мумкинки, ўқувчи ёшларимиз нафақат мамлакатимизда, балки халқро миқёсда ўтказилаётган фан олимпиадалари, кўрик-танловларда ҳам юқори натижаларга эришмоқда. Чунинки, Булунгур туманидаги 15-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Сардор Саидкулов 2013-2014 ўқув йилида ёш математиклар ўртасида ўтказилган халқро танловда 2-ўринни эгаллаган бўлса, Каттақўрган шаҳридаги 17-ИДУМ 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Тўраев ҳам ўтган йилнинг июль ойида Хитойда ўтказилган халқро математиклар танловида иккинчи ўринни кўлга киритди.

М.РАВШАНОВА
"XXI asr" мухбири

Ишбилармонликни аёллардан ўрганинг!

О'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими омма орасига чуқурроқ кириб боришга, фаолият доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилаётир. Бу интилиш "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳам яққол намоён бўлди.



48 нафар тадбиркор, ҳунарманд, фермер аёл томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар — миллий нақшларимиз акс этган бир-биридан чиройли ва бежирим либослар, турли трикотаж кийим-кечаклари, қўл меҳнати билан тикилган ранго-ранг кашталар, қўйинги, барчаси меҳмонларга бир олам завқу шавқ улашди.
— Иқтисодийётни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Айниқса, оилавий тадбиркорлик жамият учун икки қарра манфаатлидир, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими бошлиги Муяссар Жамолдинова. — Бу хайрли ҳаракат орқали ҳам оила эҳтиёжини қондириш, ҳам бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш мумкин. Ҳозирги кунда опа-сингилларимизнинг дунёқараши кескин ўзгарган. Улар банклардан имтиёзли кредитлар олиб, эзгу ишларга қўл уришмоқда. Тад-

биркорлик субъектлари қонуний жиҳатдан қаролатили ҳимоя қилинаётганлиги, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шaroит яратилаётганлиги ишбилармонларга қанот бахш этмоқда. Бугунги тадбиримизда жонкуяр, ўз устида изланишдан чарчамайдиган опа-сингилларимиз беллашмоқда.
Тадбирда сўзга чиққанлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш йўлида мамлакатимиз ва вилоятда амалга оширилган ишлар ҳусусида фикр юритдилар. О'zLiDeP вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот бердилар.
— Собиқ тузум даврида кимки хусусий мулкка эга бўлишга интилса, таъкибга олинарди, — дейди танлов голибларидан бири, Бўстониқ туманидаги "Олтин боғ барака" кўп тармоқли фермер ҳўжалиги раҳбари Нигора Турсунова. — Юртимиз

мустақилликка эришгач, оилаларнинг фаровонлигига хизмат қилувчи, республикамизнинг иқтисодий ривожланишида улкан аҳамиятга эга хусусий мулк ҳуқуқи Бош Қомусимизда алоҳида мустақамлаб қўйилди. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати ривожига катта эътибор қаратилиши натижасида бундай субъектлар сони йил сайин ортиб бораётир.

Якуний натижаларга кўра олий ўрин Ангрэн шаҳридаги "Шахлия" тикувчилик корхонаси раҳбари Шоҳиста Мадияровага, 1-ўрин Янгийўл туманидаги "Ҳақиқат" хусусий корхонаси раҳбари Мамлакат Ибрагимовага, 2-ўрин Бекобод шаҳрида фаолият юритувчи "Зулфия-бону-чевар" хусусий корхонаси раҳбари Ўғилло Мирзамуродова, 3-ўрин Юқори Чирчиқ туманида рўйхатдан ўтган "Тахмина" хусусий корхонаси раҳбари Гулрух Эргашевага насиб этди.

Дилноза НОМЗОВА,
"XXI asr" мухбири

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан Термиз шаҳрида соҳа мутахассислари, тадбиркор ва фермерлар ҳамда оилавий бизнес фаолиятини бошлаш истагида бўлганлар иштирокида "Мулкдор оила" лойиҳасининг вилоят босқичи ўтказилди.

Рағбат ва эътибор

Айтиш ўринлики, мазкур лойиҳа аҳолининг турли қатламларини тадбиркорликка жалб этишда қўл келмоқда. Зеро, ундан кўзланган мақсад жойларда, асосан чекка ҳудудларда оилавий тадбиркорликни кенг тарғиб қилиш ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, аҳолининг иш билан таъминланишига ёрдамлаштириш, шунингдек, бу борадаги айрим муаммоларни ўрганиб, мазкур йўналиш такомиллашувига хизмат қилувчи амалий тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Тадбирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш борасида банк-молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган ишлар, молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнлари ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.
— Мен партия томонидан ўтказилган ушбу семинар-тренингда қатнашиб, муайян билим ва тажрибага эга бўлдим, — дейди Шўрчи туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор Гулзабо Нуралиева. — Аёллар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида банкдан имтиёзли кредит олиб, фитнес-клуб ташкил қилишни режалаштираман.
Тадбир мобайлида ҳар бир иштирокчи ўз бизнес-режасини экспертлар диққатига ҳавола этди.
Фойлибларга сертификатлар тақдим қилиниб, уларнинг бизнес-режаларини тижорат банклари томонидан молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Х.БҲҲИЕВ,
О'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши Мафқуравий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудури

Шаҳзоднинг шахдам қадамлари

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида ёшларимиз ўз бизнесини очиб, аҳоли эҳтиёжини қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётир.

Байтқўрган хизмат кўрсатиш ва иқтисодийёт касб-ҳунар коллежини тугатган Шаҳзод Худойназаров ана шундай тадбиркор

ийгитларимиздан бири. У яқка тартибдаги тадбиркор сифатида "Ўзбегим" бренди асосида чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришни

йўлга қўйди.
— Аксар ҳолларда пойабзаллар сунъий чарм ва резинадан тайёрланади. Бу эса саломат-

ликка зарар етказиши, — дейди Шаҳзод куюнчаклик билан. — Хусусан, оёқни терлатиб, замбуруғ касалликларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун тоза чармдан ишланган, ҳам сифатли, ҳам арзон, 8 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар учун пойабзаллар, сумкалар, камарлар ишлаб чиқараялмиз. Келгусида йирикроқ корхона очиб, экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз.
Қувончлиси, у "Қамолот" ЁИХ томонидан ташкил этилган "Менин бизнес гоям" танловида

республика бўйича биринчиликни кўлга киритиб, ўзига бўлган ишонч янада ортди. "Ўзсаноат-қурилишбанк" дан 15 млн.сўм имтиёзли кредит олиб, иш фаолиятини ривожлантиришга сарфлади.
Тиниб-тинчимас қаҳрамонимиз О'zLiDePнинг "Ишбилармон талаба — 2016" лойиҳасида қатнашиб, вилоят босқичи голиби бўлди. Эндиликда катта тадбиркор бўлиш учун ўз устида тинимсиз изланишда.
Таъкидлаш жоизки, мам-

лакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, инновацион ютуқларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ички бозоримизни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этаяпти.
Ҳа, бугун қатъиятли, ташаббускор, ўз мақсади йўлида тиниб билмай изланаётган ёшларимиз кўпчиликти ташкил этади. Мамлакатимиз буюк келажакни барпо этишда уларнинг муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз комил.
Ўз мухбиримиз

ФАОЛИЯТ

САНЪАТ

ФОНОГРАММА(СИЗ) Шоу-бизнесга йўл очилади!



Юртимизда барча соҳаларда бўлгани сингари санъатда ҳам тадбиркорлик ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Аммо, қўшиқчиликнинг шоу-бизнес йўналишида фаолият юритаётган айрим хонанда, клипмейкер, продюсер ва режиссёрлар даромад илинжида маънавиятимизга зид турли хил ноанъанавий чиқишлар орқали мутахассис, муҳлис ва томошабинларнинг эътирозига сабаб бўлаётир.

Хўш, бундай ҳолатлар нималарда кўрилади? Аввало, ёшларимизнинг асл миллий музика санъатимизга қизиқиши камайяпти, енгил-елпи қўшиқлар орқали "оммавий маданият" унсурлари бўлиши баҳкана қилиқлар (Европа ва океанorti шоу бизнес вакиллари тақлидан) айниқса, ўсмирлар орасида тарқалишига ва бунинг оқибатида миллийлик, умуминсонийлик каби юксак тушунчаларга жиддий пугур етмоқда.

Айнан шу ва шу каби муаммо, камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Концерт-томоша тадбирлари сифатини янада ошириш, фонограммасиз концерт тадбирларини ташкиллаштириш борасида олиб борилаётган устувор вазифалар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда қўшиқчилар, санъаткорлар, соҳа вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди. Анжуман давомида миллий қўшиқчилик санъатимизнинг ўтмиши ва бугунги кунини асосий муҳокама мавзусига айланди.

Айтиш жоизки, ёш авлод эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи, мамлакатимиз таянчи ва суянчидир. Ана шу таянчининг қай даражада мустаҳкам бўлиши ёшларимиз маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада ёшлар онгига қўшиқчилик, кенгроқ қилиб айтиладиган бўлса, музика санъатининг таъсири бошқа санъат турларига қараганда кучлироқдир.

— Миллий эстрада санъатимиз бугунги кунда ривожланиш босқичида эканлиги бир жиҳатдан қувонарли, лекин ачинарлиси, қўшиқчиларимиз кўр-кўрона тақлидга ёки айрим ноодатий анъаналарга эргашиб, ўзли-

гини йўқотмаслиги керак, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Қаюмов. — Айниқса ёшларимизнинг маънавий дунёқарши, уларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Шундай экан, биз маънавий меросимизни асраб-авайламоғимиз ва уни кимлардир нотўғри талқин этишига йўл қўймаслигимиз даркор.

Давра суҳбатиде, шунингдек, фонограмма орқали айтиладиган қўшиқлар муаммосига оид турли хил фикр-мулоҳазалар ҳам билдириб ўтилди. Маълумки, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг буйруғига асосан махсус концерт дастурларида фонограммдан фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш бўйича комиссия ва ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, "жонли ижро" дея эълон қилинган концерт дастурлари таҳлил қилиб борилади. Фонограмма элементлари қайд этилган тақдирда, истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилиши ҳамда фуқарога нотўғри маълумот берилганлиги сабабли ташкилотчиларга амалдаги қонунчиликка асосан тегишли чоралар кўрилади. Хусусан, шоу-бизнес рекламасида одоб-ахлоқ ҳамда миллий қадриятларга зид нарсалар бўлиши мумкин эмас.

Анжуманда эстрадаимиздаги мазмунан саёз, енгил-елпи, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган қўшиқлар муҳокамасидан ташқари соҳада эришилган ютуқлар хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

Кумуш РАУПОВА,
Сардор ТУРОБОВ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

✓ Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам муносиб ўрнини топиб, истеъмолчилар эътирофига сазовор бўлмоқда. Бунинг боиси уларнинг сифати дунё стандарти талабларига тўла мос келишидир. Корхоналарда халқаро ISO 9001 "Сифатни бошқариш тизими" жорий этилаётгани эса маҳсулотларимизнинг жаҳон бозоридеги нуфузини оширапти. Маҳсулотларнинг стандарт талаблари асосида ишлаб чиқарилишини таъминлаш эса "Ўзстандарт" агентлигининг "Республика синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси зиммасига юклатилган асосий вазифалардан биридир.

Хизматлар лицензияланган

СИФАТ – бош мезон

— Қорақалпоғистон Республикасида бугун 30 мингга яқин тадбиркорлик субъекти, фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлиб, ялли ички маҳсулот салмоғида уларнинг улуши 50 фоиздан ошади, — дейди "Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси директори Чингиз Худойбергенов. — Тадбиркорлик субъектларининг изчил фаолият юритиши ҳисобига импорт товарларнинг кириб келиши йил сайин камайиб бораёпти. Буни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олиш учун муражаатлар қўлайиб бораётганидан ҳам аниқлаш мумкин. Марказимизнинг сертификатлаштириш идорасига ўтган йил давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган ва олиб келинган маҳсулотларга 1904 та мувофиқлик сертификати берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ярим йилида 680 та мувофиқлик сертификати берилди. Шундан Мустақил Ҳамдустлик Давлатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга 20 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Тадбиркорларимиз бозор инфратузилмасини тобора чуқурроқ ўзлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бераёпти. Яна бир муҳим жиҳат — ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги ортиқча овозгарчиликларнинг олдини олиш, мулкдорларга қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида электротехника, қурилиш ва кимё маҳсулотларини сертификатлаштириш лабораторияси, ахборот-маслаҳат маркази ташкил этилди. Марказнинг метрологик хизматлар кўрсатиш бўлими томонидан ўлчаш воситаларини қиёслаш ишлари ҳам олиб боришмоқда. "Ўзстандарт" агентлиги тасдиқлаган ривожлантириш режа-дастурига мувофиқ агентликнинг ривожлантириш жамғармаси ҳамда марказимиз маблағи ҳисобидан бир қатор жиҳозлар, хусусан, "газли хроматограф", МС-5 босим калибратори, РТС-156 ҳарорат калибраторлари харид қилинди.


Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида ҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қўлайликлар яратиш мақсадида табиий газ, сув ва электрон электр ҳисоблагичларни

қиёслашдан ўтказиш бўйича "Шимолгаз таъминот" унитар корхонаси республика бошқармаси ва "Қорақалпоғистон электр тармоқлари" ОАЖ билан биргаликда қўшма буйруқлар тайёрлаб, қиёслаш ишлари олиб боришмоқда. Марказдан узоқ масофадаги аҳоли ва тадбиркорларнинг газ ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида метрологик хизмат кўрсатиш бўлимининг Эллиққалъа, Чимбой ва Қўнғирот туманларидаги бўлимлари хизмат кўрсатмоқда.

2020 йилгача Қорақалпоғистон Республикасидаги 100 та корхонада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш белгиланган бўлиб, 2015 йилда режада белгиланган 21 та корхонада сифатни бошқариш тизими сертификатлаштирилди. 2016 йил учун белгиланган 19 та корхонадан бугунгача 8 та корхонада, жумладан, "Yoovul Poyabzali", "OO'NG'IROT METAN", "Қарақалпақские деликатеси", "Qarao'zbekmetan", "Сифатли гишт", "TKASHXA-TAXTA", "XURSHID VORIS" масъулияти чекланган жамиятлари, "масъулияти чекланган жамият шаклидаги ASTERA TEXTILE "Ўзбекистон-Буюк Британия" чет эл корхонаси ва "Қўнғирот ун заводи" акциядорлик жамиятларида сифатни бошқариш тизими жорий этилиб, сертификатлаштирилди. Мазкур корхоналар ҳукуматимиз томонидан солиқ ҳамда бож тўловлари учун берилган имтиёзлардан фойдаланишмоқда. Бу ҳам мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик муҳитини яратилаётгани, тадбиркорларга берилаётган имконият ва имтиёзларнинг бир кўринишидир.

— Марказимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида аввало озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчиларга сифатли маҳсулот етказиб беришдек эзгу мақсад ётади, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Бу эса ҳаммамиз ва ҳар биримизга боғлиқ бўлган масалалар. Бир сўз билан айтганда, маҳсулотлар экспортини қўлайитиришга муносиб ҳисса қўшиш, истеъмолчи манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Насиба МҮМИНОВА



Qishloq Qurilish Bank

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Хусусий секторга молиявий мадад

✓ Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, жумладан, реал секторни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада банклар хизматини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Зеро, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Дилноза СЎФИЕВА,

Чортоқ тумани, хусусий тадбиркор:

— Қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик коллежини тугатиб, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг туман бўлимидан 20 млн. сўм имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим. Ҳозир шу асосда чорвачилик билан шуғулланаяпман ва аҳолига имтиёзли нархларда гўшт маҳсулотлари етказиб бераёпман. Энг муҳими, банкка тақдим этган бизнес режам касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда 3-ўринга лойиқ кўрилди. Оруларим бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Ҳозирги кунда олти бош қорамолни зооветеринария талаблари асосида парвариш қилаёпман. Яқин келажакда улар сонини қўпайтириш ниятим бор.

Даврон АЗИЗОВ,

Наманган шаҳридаги "Горизонт савдо сервис" МЧЖ раҳбари:

— Шаҳримизда ташкил этилган корхонаимизда имтиёзли кредит эвазига арзон ва сифатли гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айни кунда маҳсулот пудрат ташкилотларига пеш-ма-пеш етказиб берилмоқда. Чунки вилоятда қурилаётган намунавий уй-жойлар ва ижтимоий объектлар учун улар жуда зарур.

Жорий йилнинг март ойида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Наманган минтақавий филиалидан 120,0 млн. сўм миқдорида кредит олишга қарор қилдим. Банк ходимлари ёрдами билан илтимосим қисқа муддатда қондирилди. Шу асосда 22 та янги иш ўринлари ташкил этдик. Жорий йилда корхонанинг иқтисодий қувватини янада ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратишини режалаштирганмиз.

Таъкидлаш жоизки, банкда ахборот-коммуникация технологиялари асосланган хизматлар сифати яхшиланиб, кўлами кенгайтирилмоқда. Асосийси, янги ва замонавий хизмат турларининг жорий қилиниши туфайли эндиликда миқозлар банкка келмасдан "Банк-миқоз", "Мобил-банкнинг", "СМС-банкнинг" тармоқлари орқали реал вақт режимида ўз ҳисобварақлари асосида тегишли амалиётларни бажариш имконига эга бўлишмоқда.

Бу эса вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга хизмат қилади.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Наманган минтақавий филиали маълумотлари асосида Мусурмон РҶЗИЕВ тайёрлади

Хизматлар лицензияланган



Акциядорлик-тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" Наманган минтақавий филиали томонидан йўналтирилаётган кредитлар ҳам энг аввало, миллий иқтисодиётни юксалтириш, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу йилнинг ўзида истеъмолчиларга ажратилган жами микрокредитлар миқдори 4 млрд. 879 млн. 100 минг сўмин ташкил қилди. Айниқса, жамиятимизнинг асосий бўлини ҳисобланган оила фаровонлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. 2016 йил 1 июль ҳолатига оилалар, айниқса, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган сармоялар 965 млн. 900 минг сўмин ташкил этди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар

қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони талабларидан келиб чиқиб, 2016 йил 1 июль ҳолатига банк томонидан жами 1 млрд. 30 млн. сўм кредит ажратилди. Бу эса вилоятда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларимизга кўрсатилаётган катта ғамхўрликдан нишондир. Жорий йилда 34 та касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 443 млн. сўм сармоя йўналтирилди. Вилоятда сервис соҳасини янада ривожлантириш ва хизматлар кўламини кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш учун ажратилган кредитлар эса 2 млрд. 722 млн. сўмга етди.

Банкнинг намунави хизмати вилоятдаги қўллаб-қувватлаш мамнун этмоқда. Буни уларнинг қўйидаги миннатдорчилик сўзларидан ҳам билиш мумкин.

СЎНГГИ САҲИФА

Таниқли адиб
Асқад МУХТОР ва журналист Нусрат РАҲМАТ
гурунгидан айрим парчалар:



Дедим:
– Миллатни камолот сари етак-
лайдиган кишилар кимлар?

Дедилар:
– Билимли, хунарли ва ақлли
кишилар.

Дедим:
– Фарзандлар ва шогирдларни
не илму хунарларга даъват этар-
дингиз?

Дедилар:
– Ўғилларни заминга меҳр
қўйишга, келажак касби бўлмиш
ЭҲМ, компьютерлар ва илмий-тех-
ника тараққиёти уфқларини эгал-
лашларига хоҳишманд эдим.

Дедим:
– Ахир, ерга ишлаш билан ил-
мий-техника тараққиёти кутбнинг
икки томони-ку!

Дедилар:
– Келажакда уларни бир-
лаштирган, уйғунлаштирган
йигитларнинг қўли баланд бўлади.
Зеро, Беҳбудий ҳазратлари таъкид-

лайдилар: “Ўтган замон
учун эмас, келажак замон учун
ишлайлик!”

Дедим:
– Сиз қайта дунёга келсангиз,
тагин шу умр йўлини танларми-
дингиз?

Дедилар:
– Ҳа, шу йўлдан борардим,
аммо хатоларимни такрорламас-
лик пайида бўлардим.

Дедим:
– Хатоларингиз кўпми, сирми?
Дедилар:
– Умрим давомида кам билим
олганим, кўпроқ хунар ўрганма-
ганим менинг хатоларимдир.

Дедим:
– Демак, инсон фарзанди учун
энг муҳими – билим ва хунар экан-
да?

Дедилар:
– Энг муҳими – ақл!

Дедим:
– Фурурга ўхшаш жоҳиллик недур?

Дедилар:
– Жаҳл!

Дедим:
– Бандликка ўхшаш пастлик
недур?

Дедилар:
– Беписандлик.

Дедим:
– Ожизлик аломати недур?

Дедилар:
– Миллатчилик, маҳаллийчи-
лик.

Дедим:
– Ақллиликнинг тагин қанақа
нишонлари бор?

Дедилар:
– Улар мантиқий оқибатни би-
либ иш тутадилар.

Дедим:
– Тагинчи?

Дедилар:
Улар кам гапириб, кўп тинглай-
дилар!

(“Фарзандга ўғитлар”
китобидан)

Савол сиздан – жавоб биздан

ҲАММАСИ СИФАТЛИМИ?

– Ёзинг иссиқ, жазирама кунларида
болалар ҳам, катталар ҳам музқай-
моқни севиб истеъмол қилишади. Бир
қарашда уларнинг ҳаммаси сифатли,
мазалидек кўринади. Аммо аслида
шундайми? Уни харид қилишда нима-
ларга эътибор бериш зарур?

Л.Нормуродова,
талаба (Тошкент шаҳри)

– Музқаймоқлар O zDSt 961 давлат стандарти
асосида ишлаб чиқарилиб, улар сутли, қаймоқли,
сариегли, мевали каби турларга бўлинади. Кейин-
ги вақтда сариеғ ҳамда қаймоқнинг ўрнига паль-
ма, кокос ёғларининг ишлатилиш ҳолатлари уч-
раб турибди. Меъёрий ҳужжат асосида музқаймоқ
тайёрлашда кокос ва пальма ёғларини маълум
миқдорда қўшиш мумкин. Лекин уларни сариеғ,
қаймоқ ўрнига ишлатиш мумкин эмас. Шуларни
эътиборга олган ҳолда сизга таркибда сариеғ,
қаймоқ бўлган музқаймоқни харид қилишни та-
всия этамиз.

Васила АБДУЛЛАЕВА,
“Тошкент шаҳар синов ва
сертификатлаштириш маркази” давлат
корхонаси бўлим бошлиғи

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Тадбиркорга мададкормиз!

“Кўкон синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси
мутахассислари сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган,
экспортбон, дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган маҳ-
сулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлашни ташкил этган
тадбиркорлар, кўп тармоқли фермер хўжалиқларига маҳсулотлар учун
мувофиқлик сертификати олишда ёрдам беради.

Халқаро ISO 9001 – “Сифатни бошқариш тизими”ни корхонангизда
жорий этишингизда марказимизнинг малакали ходимлари, эксперт-ау-
диторлари Сизга доимо яқин маслаҳатчи ва кўмакчи бўладилар.

Хонадонингиз ёки корхонангизга ўрнатилган мавжуд ўлчов воси-
таларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга
муружаат қилишингиз мумкин.

Муҳтарам тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!

“Кўкон синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат кор-
хонасининг (0-373) 543-11-13 рақамли “Ишонч телефони” ёки
www.qoqonssm.uz веб-сайтими орқали ўзингизни қизиқтирган барча
саволларга тез ва аниқ жавоб олишингиз мумкин.

Сизларнинг муружаатингиз эътиборимиздан четда қолмайди. Чунки
биз Сизнинг хизматингиздамыз!

Манзилими: Кўкон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 1-А-уй.
Телефонларими: (0-373) 543-11-14. факс: (0-373) 543-11-12.
e-mail: qoqonssm@rsm.uz

“Кўкон синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА



Хурматли юртдошлар!

“Асака” банк

яқинлашиб келадиган “Мустақиллик куни” байрами
муносабати билан миллий валютада қўйидаги муддатли
янги омонат турини таклиф этади:

“МУСТАҚИЛЛИК – 25”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган
фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада
14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Муружаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
– маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

– эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
– миқдори чекланмаган!

“Асака” банк – сармоянингизнинг сақланишини ва
кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА

“Qishloq Qurilish Bank”

2016 йил – “СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА” йили
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МИЛЛИЙ
ВАЛЮТАДА ҚЎЙИДАГИ ЯНГИ ЖАМҒАРМАЛИ ОМОНАТ
ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

“СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” –

омонатга маблағлар 6-12-24 ойга қабул қилинади;

Омонатга ҳисобланган фоизлар
ҳар ойда тўлаб берилади ва
омонатчининг розилигига асосан
ҳисобланган фоиздан 2 фоиз
миқдорида ҳар ойда “Соғлом авлод
учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган
халқаро хайрия жамғармаси ҳисоб
рақамига ўтказилади.



“БАХТЛИ БОЛА” –

омонатга маблағлар 1 йилдан 5 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган
фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда омонат суммасига
қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати
тугач, тўлаб берилади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ
ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Муружаат учун: (0-371) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

АКЦИЯДОРЛИК -ТИЖОРАТ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” –

ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

Хизматлар лицензияланган



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

ASR
IQTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Солижон ТУРДИЕВ Кужоьдк САНАКУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ Тулқон ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Аҳдам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК
Илҳол МИРЗО Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxl_asr@mail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).

Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июн-
да 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Ўзбекистон” НМИУ босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табақ.

Буюртма рақами: S 6531 Тираж: 8688
Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 21:30

Таҳрират келган қўғамлар таҳрир
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нукта
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳрират
жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида
терикли ҳамда дизайнёр

Мърифтон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-477X



9 772181 477009

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Навбатчилар:
Б. ИСРОИЛОВ, С. ЗОИРОВ